

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**А. АНОРБОЕВ, У. ИСЛОМОВ,
Б. МАТБОБОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИДА
ҚАДИМГИ ФАРҒОНА**

**ТОШКЕНТ
«ФАН»
2001**

Қўлингиздаги ушбу китоб 3 та илмий рисоладан иборат бўлиб, Фарғонанинг бир миллион йиллик узоқ ўтмиши тарихига бағишланган. Унда янги археологик материаллар асосида шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларни тарихий тараққиёти илмий-оммабоп услубда баён қилинган. Шу билан бирга Фарғонада илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва у билан бевосита боғлиқ бўлган сунъий суғориб деҳқончилик интенсив йўлга қўйилишига оид янги маълумотлар бор.

Қадимги Фарғона тарихига бағишланган ушбу тўплам тарих фани ўқитувчиларига, университетнинг тарих факультети талабаларига ҳамда ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: т.ф.д. проф. Д. А. АЛИМОВА
Тақризчилар: т.ф.д. Р. Х. СУЛАЙМОНОВ
т. ф. н. М. И. ФИЛАНОВИЧ

П0501000000-3-561 Рез. 2001
М 355 (04)-2001
ISBN 5-648-02791-5

(С) Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона
“Фан” нашриёти, 2001 йил

СЎЗ БОШИ

Фарғона водийси географик жиҳатдан Ўрта Осиёда жойлашган бўлиб, тўрт томонидан Помиру Тангритоғ (Тяншань) тоғлари билан ўраб олинган. Бу ерда Марказий Фарғона қумликларидан тортиб то ясси тоғликлар орасида жойлашган ям-яшил Альп ўтлоқларини учратиш мумкин. Бу эса ўз навбатида Фарғонада инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни мавжудлигидан дарак беради.

Ўзбекистон тарихининг бир миллион йилгача (Чашма топилмаси) бўлган археологик материаллари ҳам айнан шу ўлкада топилаган.

Китобхон диққатига ҳавола қилинаётган ушбу китоб уч қисмдан иборат:

1. Қадимги ва Ўрта асрларда Ахсикент ўрни (муаллиф А. Анорбоев)
2. Фарғонанинг ибтидоий тарихи (муаллиф Ў. Исломов)
3. Қадимги Қува (Қубо) (Муаллиф Б. Мағбобоев)

Китобнинг биринчи қисми Фарғонада илк шаҳарлар ва давлатчиликнинг шаклланишидан тортиб то мўғиллар истеъсосигача бўлган тарихни ўз ичига олди.

Маълум бўлишича, Фарғонада шаҳарлар ва илк давлатчилик камида 3 минг йиллик тарихга эга. Фарғона шаҳарларининг пайдо бўлиши ва уларнинг тарихий тараққиёти энг янги археологик материаллар асосида содда ва равон тил билан баён этилган.

Фарғона шаҳарларининг гуллаб-яшнашида Буюк Ипак йўлининг роли археологик материаллар асосида аниқ қилиб кўрсатилган. Дастлабки йирик шаҳар ҳисобланган Далварзин (Андижон вилояти) Фарғона водийсидаги илк давлатнинг пойтахти бўлган бўлса керак - деган янги ғоя олға сурилади. Фарғонанинг антик ва ўрта шаҳарлари тарихи Ахсикент (Эски Ахси) шаҳри мисолида кенг ёритилади. Хитой манбаларида (милоддан аввалги II - милодий I асри) тилга олинган пойтахт шаҳарлар Эрши ва Гуйшуань Эски Ахси (Ахсикент) ўрнида бўлган, деган мунозарали ғоя ўртага ташланади. VIII-IX асрлардаги ёзма манбаларда (ат-Таборий, ибн Хордадбех) тилга олинган «Фарғона» шаҳри Эски Ахси (Ахсикент) ёдгорлиги ўрнида бўлганлиги исботланган.

IX-XII асрларда Ахсикент майдони 400 гектарни ташкил қилиб, Фарғонанинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнаганлиги аниқ мисоллар билан кўрсатиб берилган. Бундан ташқари рисолада Фарғонанинг бошқа пойтахт шаҳарлари ҳақида ҳам гап боради, жумладан, IX-X асрлар Қува Жанубий Фарғонанинг пойтахти сифатида ҳар томонлама ривожланган бўлса, XI-XII асрларга келиб унинг ўрнини Марғилон эгаллайди.

Шу билан бирга рисолада IX-XII асрларда яшаб ижод қилган фарғоналик Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний каби алломаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор.

Китобдаги иккинчи қисми Фарғонанинг ибтидоий тарихига бағишланган. Унда Фарғонанинг бир миллион йилга яқин ибтидоий тарихи янги археологик материаллар асосида ёритилган. Жумладан, Жанубий Фарғонанинг Сўх ҳавзасида жойлашган Селунгир ёдгорлиги асосида қадимги тош даври, Обишир материаллари асосида эса ўрта тош даври одамларининг турмуши, хўжаликлари ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан бирга Марказий Фарғонанинг янги тош даври ёдгорликлари асосида бундан 4-5 минг йиллар аввал яшаган Фарғона одамларининг кундалик ҳаёти ҳақида янги маълумотлар берилган.

Китобнинг учинчи қисми қадимий Қувага (Кубо) бағишланган. Маълумки, бу шаҳар ўрта аср ёзма манбаларида (Истахрий, ибн Хаувқал, ал-Муқаддасий) кўп марта тилга олинган. Уларда Қувага водийдаги йирик шаҳар сифатида таъриф берилди. Аммо шу вақтгача ёзма манбаларни археологик қазилмалар билан солиштириб ўрганишга кам эътибор берилган эди.

Рисолада Қува тарихини илк босқичлари, унинг номини келиб чиқиши, шаҳар дарвозаси ҳақида маълумотлар китобхонлар эътиборига биринчи марта ҳавола этилмоқда. Қолаверса, шаҳарни ривожланиш давлари ва энг қадимги қатламларни 2000 йилдан ортиқ эканлигини тасдиқ этувчи ишонарли далиллар келтирилган. Умуман олганда рисолада Қува шаҳарини археологик, нумизматик, этнографик ва ёзма манбалар асосида яхлит тарихи ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, учта қисмдан иборат бу китоб бир миллион йиллик ўтмиши бор Фарғона тарихидан бир дебоча холос.

ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДА АХСИКЕНТ

Фарғона водийси ўзининг географик жойланиши ва табиий шароитини қулайлиги билан қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик кенг ривожланган ўлка бўлган. Бу ерда Марказий Фарғонанинг қум барханларидан тортиб то Помиру Тяньшань тоғларидаги альп ўтлоқларигача учратиш мумкин. Норин ва Қорадарё сувларининг қўшилишидан вужудга келган Сирдарё шарқдан ғарбга қараб Хўжанд «дарвозаси» томон йўналиб, водийни иккига, жанубий ҳамда шимолий Фарғонага, ажратгандек бўлади. Жанубда Туркистон - Олой тоғларидан, шимолда эса Чотқол-Қурама тоғларидан бир неча ўнлаб катта-кичик сойлар Сирдарё томон йўналиб, баъзилари Сирдарёга қўшилиб кетса, бошқалари бўлса сувининг озлигидан унга етолмай адирлар орасида қолиб кетади. Бу ўз навбатида ўзига хос табиий шароитга (микроиқлимга) эга бўлган воҳалар ва воҳачаларни вужудга келтиради.

Бу ерда Қорадарё ва унинг ҳавзасини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Қорадарё Тяньшань тоғларининг шарқий тизмаларидан бошланиб, ясси тоғлик ва адирликларни оралаб ўтиб, Ўзган воҳасига чиқади. Ўзган воҳасидан то Норин дарёсига қўшилгунча бўлган 100 км.дан зиёд масофада Қорадарё ҳавзасида бир неча сўлим воҳачаларни кузатиш мумкин. Шу воҳачаларни бирида, ҳозирги Андижон вилояти Ойим қишлоғи ёнида, Фарғонанинг илк шаҳарларидан бири Далварзинни 30 гектарга яқин харобалари ётибди. Унинг арки аълоси, мудофаа деворлар билан ўраб олинган «шаҳристони» яққол кўзга ташланиб турибди.

Кейинги 30 йил ичида олиб борилган археологик изланишлар Ўзбекистон ҳудудида қуйи бронза ва илк темир (милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярми I мингинчи йилларни боши) давриданоқ кичик-кичик илк давлатлар шаклланганлиги ҳақида янги материаллар берди. Бундай кичик давлатларнинг маркази сифатида Жарқўтон (Сурхондарё), Далварзин (Фарғона), Кўзалиқир (Хоразм), Кўктепа, кейинроқ Афросиёб (Самарқанд) каби илк шаҳарлар деҳқончиликка асосланган қароргоҳлар орасидан ажралиб чиқадилар. Бундай илк шаҳарларнинг арки аълоси, мудофаа девор билан ўраб олинган «шаҳристони» бўлган экан.

Фаргона водийсида бронза даври ўзига хос тарихий тараққиётга эга бўлиб, унда архаик элементлар узоқ давр мобайнида сақланиб қолган. Чуст маданияти номи билан маълум ва машҳур бўлган деҳқончилик маданиятини гоҳо бронза, баъзида эса илк темир даврига оид деб талқин қилиб келинди (Заднепровский, 1962, 1978, 1998; Кошеленко, 1985). Лекин, табиий фанлар ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, жумладан радиокарбон анализлар (Заднепровский, 1997) ҳамда бронза буюмларини спектрал анализ қилиш йўли билан (Рузанов, 1999) Чуст маданияти жуда узоқ даврни ўз ичига қамраб олиб милоддан аввалги XVI-XV асрлардан то VII асргача давом этганлиги аниқланмоқда.

Шоҳимардон-Марғилонсой ҳамда Косонсой ҳавзаларида олиб борилган кейинги йиллардаги археолого-палеогеографик изланишлар Фаргона водийсининг суғорма деҳқончилик тарихига бир қатор аниқликлар киритди. Масалан, Косонсойнинг қуйи оқимида Ахсикент оазисининг асосий қисми милоддан аввалги X-IX асрларда ўзлаштирилган бўлиб, Эски Ахси ёдгорлиги ҳудудида деҳқонлар қароргоҳи бўлганлиги аниқланди. Фаргона водийсидаги бир неча ўнлаб бундай қароргоҳларни пойтахти Далварзин бўлганга ўхшайди, яъни, Далварзин илк шаҳар сифатида Фаргона водийсидаги илк давлатнинг пойтахти бўлса ажаб эмас. Олинган маълумотларга қараганда, Фаргона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларида милоддан аввалги X-IX асрлардан бошлаб, интенсив сунъий суғорма деҳқончилик кенг ривожлана бошлаган экан. Мураккаб рельефга эга бўлган Фаргона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларида канал қазиб, деҳқончилик қилиш, оддий деҳқон жамоаларининг қўлидан келиши қийин. Бундай ишларни бошида, менимча, илк давлат соҳиблари турган бўлиши керак.

Европа билан Осиёни боғловчи халқаро савдо ва мулоқот йўли ҳисобланган Буюк Ипак йўлининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Милоддан аввалги 2 мингинчи йиллардан бошланган Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон халқларининг жанубда Ҳиндистон ва Эрон, жануби-ғарбда Олд Осиё халқлари билан ўзаро алоқалари милоддан аввалги IX-VIII ва VI-V асрларга келганда янада кенгайди. Фарғонадан топилган Ҳақ ва Афлотун топилмалари фарғоналикларнинг бу даврда жанубий, жануби-шарқий Осиё халқлари билан яқиндан алоқада


бўлганлигининг гувоҳидир. Милоддан аввалги II асрда истеъдодли Хитой дипломати Чжан Цяннинг Фарғона орқали Ўрта Осиёга қилган саёҳатидан сўнг, Шарқ билан Ғарб орасида Буюк Ипак йўли доимий мулоқот йўлига айланади. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиёда икки йўналиши мавжуд бўлиб, биринчиси Фарғона орқали ўтса, иккинчиси Ҳиндиқуш ва Бадахшон бўйлаб ўтган. Фарғонадан ўтган биринчи йўл - асосий трансконтинентал йўл ҳисобланган. Иккинчи йўл мавсумий ҳисобланиб, йилнинг фақат ёз ойларида фаолият кўрсатган ҳолос.

Буюк Ипак йўлининг гуллаб-яшнашида пойтахт шаҳарларнинг роли катта бўлган. Бу борада қадимги Фарғона пойтахти Ахсикент диққатга сазовордир. Унинг харобалари Тўрақўрғон ва Жомашуй орқали ўтган Наманган-Фарғона йўлининг икки томонида, Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб чўзилиб кетган баланд тепаликлар кўринишида ётибди. Халқ орасида уни Эски Ахси деб атайдилар. Бу ёдгорликнинг маданий қатламларида Фарғона халқларининг 2,5 минг йилга яқин ҳаёти ва маданиятига оид бебаҳо маълумотлар берувчи тарихий обидалар яширинган. Улар тарихимизнинг ўчмас саҳифалари, аждодларимиздан қолган моддий ёдгорликларнинг заминда қолган ўчмас излари, ўзбек халқининг маданий мероси, ўз давридаги гўзаллик оламининг мезонидир.

Эски Ахси ҳудудида олиб борилган археологик қазишмалар шуни кўрсатдики, Ахсикент шаҳри Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга эга экан.

Маълум бўлишича, Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарлари сингари Ахсикентнинг ҳам ўз қалъаси, шаҳристони (ички шаҳар) ва рабоди (ташқи шаҳар) бўлган (1-расм). Милодимизнинг X-XI асрларига келиб, унинг майдони 400 гектарга етган. Дастлаб, биз шаҳар қалъаси ҳақида аниқ маълумотга эга эмас эдик. Унинг асосий қисмини вақтлар ўтиши билан Сирдарё суви ювиб кетган, қолгани қор ва ёмғир таъсирида текисланиб қолган экан. Фақат қалъанинг шимолий ва шимоли-шарқий қисми унча катта бўлмаган дўнглик шаклида сақланиб қолган. Бу ерда мудофаа девор ва ҳандақ қолдиқлари кўзга ташланиб турарди.

Қазишма ишларидан сўнг қалъа мустаҳкам мудофаа иншоотлари билан ўраб олинганлиги ва унинг энг пастки маданий қатламлари милоддан аввалги III-II асрларга оид эканлиги маъ-



1 - расм. Эски Ахси ёдгорлигининг плани

- 1 - экинзор; 2 - узумзор; 3 - жарлар; 4 - мудофаа деворлар;
- 5 - кўчалар; 6 - ҳовузлар; 7 - бозорлар; 8 - ўрта аср ишлаб чиқариш чiqиндилари; 9 - маданий қатламлар сақланмаган жойлар;
- 10 - водопроводлар; 11 - XX асрда пайдо бўлган мазорлар; 12 - XIII аср мазори; 13 - қазиниша олиб борилган археологик объектлар; 14 - разведка йўли билан ўрганилган объектлар; 15 - шаҳар дарвозалари.

лум бўлди. Қалъа деворлари паҳса ва хом ғиштлардан қурилган бўлиб, минг йиллар давомида мудофаа ҳолатини йўқотмаган, вақти-вақти билан тузатиб турилган, баъзида эса бутунлай қайтадан қурилган.

Айниқса, бу борада қалъадан шимолда, шимоли-шарқда 35 гектардан зиёдроқ майдонни эгаллаган шаҳристон (1-расм, Ахси IА, Ахси IБ) диққатга сазовордир. Ундан ҳозирги кунларда 25 гектардан зиёдроқ жойи сақланиб қолган. Унинг ҳам жанубий қисмини Сирдарё ювиб кетган. Шаҳристон ҳандақ орқали қалъадан ажралиб турган.

Шаҳристон икки (ички ва ташқи) қисмдан иборат бўлиб, ёзма манбаларда тилга олинган бешта дарвоза шу иккала шаҳристонга оиддир. Иккала шаҳристон ҳам баландлиги 20 метрга яқин деворлар ва чуқур ҳандақлар билан ўраб олинган. Ички шаҳристон девори харобаларининг икки жойида минора қолдиқлари дўнглик шаклида кўриниб турибди. Ташқи шаҳристоннинг шимолий ва шимоли-шарқий деворлари қолдиғида 20 га яқин минора харобалари мавжуд.

Маълум бўлишича, шаҳристоннинг ҳам қуйи маданий қатламлари милоддан аввалги III-II асрларга тааллуқли экан. Шаҳристон бу даврда қалинлиги 5 метрга яқин мудофаа деворлар билан ўралган бўлиб, вақти-вақти билан таъмирлаб турилган. Кейинчалик, 100-150 йил давомида Ахсикент мудофаа деворларининг



2-расм

қалинлиги 10 метрга, баландлиги 20 метрга яқинлашади. Бу даврда Фарғона ўзининг узумчилиги ва ундан тайёрланган хилма-хил ичимликлари ҳамда учқур-самовий тулпор отлари (2-расм, Аравон қоя тошларидаги отлар расми) билан бутун Шарқ оламига машҳур бўлган. Хитой манбаларининг хабар қилишича, Хитой императори бир жуфт Фарғона тулпори учун бутун Синцзян вилоятини беришга рози бўлган экан.

Милоддан аввалги II асрдан бошлаб, яъни, Чжан Цян саёҳа-

тидан кейин Хитой манбаларида Фарғона ҳақида қизиқарли хабарлар учрай бошлайди. Масалан, тарихий йилнома ҳисобланган «Шицзи» милoddан аввалги 138-йилдан 90-йилгача бўлган воқеликларини ўз ичига олади. «Шицзи»нинг муаллифи Сыма Цяннинг ёзишича Фарғонада 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар бўлган. Лекин, у фақат иккита пойтахт шаҳарларнинг номи тилга олади холос: Эрши, Ю (Ючен) (Бичурин, 1950). Шу билан бирга «Шицзи»да Фарғона давлати ҳамда унинг подшоши Мугуа ҳақида ҳам маълумотлар бор. Чжан Цяннинг маслаҳати га суяниб Хитой императори дипломатик йўл билан Фарғонанинг самовий тулпорларини қўлга киритмоқ ниятида, қимматбаҳо совғалар билан Фарғонага элчи юборади. Хитой элчиси Фарғона подшоши Мугуани буйруғи билан қўлга олиниб, ўлдирилади. Шундан сўнг, Хитой императори куч ишлатиб ўз мақсадига эришиш учун саркарда Ли Гуан-ли бошчилигида икки марта Фарғонага қўшин юборади.

Биринчи юриш мағлубиятга учрагач, иккинчи маротаба махсус тайёргарликдан сўнг, Ли Гуан-ли катта қўшин билан Фарғонага бориб, пойтахт шаҳар Эршини қамал қилади. Хитой қўшини орасида махсус ирригатор-муҳандислар бўлиб, уларга Эрши шаҳрига келатган сувни бошқа томонга буриб юбориш вазифаси юклатилган эди. Қирқ кунлик қамалдан сўнг, ички шаҳарда бекиниб ётган оқсоқоллар кенгаши ўзаро келишиб, ўз ҳукмдори Мугуани Хитой элчисининг ўлимида айблаб, уни тахтдан четлатиб, ўлимга маҳкум этади. Бу билан улар ҳамма айбни Мугуага юклаб, хитойликларга тинчлик сулҳини таклиф қилади. Бу таклиф Ли Гуан ли томонидан қабул қилинади. Сулҳга биноан хитойликлар Фарғонанинг самовий тулпорларидан олиб, ўз юртларига қайтадилар. Юқорида келтирилган «Шицзи»нинг хабарлари милoddан аввалги II-асрни бошларида Фарғонада подшо яккаю ягона ҳукмдор бўлмаганлиги ва унинг ҳаракатлари оқсоқоллар кенгаши томонидан назорат қилиниб турилиши ҳақида гувоҳлик беради. Бундай сиёсий ҳаёт баъзи бир ўзгаришлар билан араблар истилосигача давом этади.

Фарғона (Давон) давлатининг бош пойтахти Эрши қаерда жойлашган ? деган савол туғилади. Бу саволга олимлар жавоб қидириб, ҳар хил фикрларни олга суришган. Масалан, Н.Я.Бичурин Эршини ҳозирги Қўқон шаҳри ўрнида деса, А.Н.Бернштам уни Марҳамат туманидаги Мингтепа ёдгорлиги ўрнида бўлган, - деб та-

лқин қилади. Кейинчалик А.Н.Бернштам таклиф қилган фикрни кўпчилик археолог-тарихчи олимлар маъқулладилар.

Лекин, кейинги йилларда олиб борилган археологик изланишлар бу фикрни қайта кўриб чиқишни тақоза қилмоқда. Жумладан, Эски Ахси ёдгорлигида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилган материалларни ёзма манба хабарлари билан солиштириш, бизни, Фарғона давлатининг қадимги пойтахти - Эрши шаҳри Эски Ахси ёдгорлиги ўринда бўлган деган янги фикрга олиб келди. Бу хулосани тасдиқловчи қатор археологик материаллар мавжуд: Биринчидан, милоддан аввалги III-I асрларда Эски Ахси ҳудудида бўлган шаҳар камида 40 гектар майдонни эгаллаб, ўзининг арки аълоси ва икки қисмдан иборат «шаҳристони» бўлган. Дастлаб, қалинлиги 3 м ва баландлиги ҳам 3 метрдан зиёдроқ девор билан ўраб олинган шаҳар, 100-150 йил ичида қалинлиги 10 метрдан зиёд, баландлиги эса 20 метрдан кам бўлмаган ўзига хос маҳаллий услубда қурилган мудофаа иншоотига эга бўлган «қалъа» шаҳарга айланади. Бундай мустаҳкам мудофаа деворни зуллик билан вужудга келишида Хитой армиясининг икки маротаба босқинчилик юришлари сабаб бўлган бўлса керак. Мингтепада эса бундай мураккаб мудофаа деворлар йўқ. Унинг деворлари кўпроқ антик услубда қурилган шаҳар деворига ўхшаб кетади. Иккинчидан, Эски Ахси ёдгорлигида, Мингтепадан фарқли ўлароқ, маданий қатлам ҳамма жойида мавжуд. Учинчидан, Мингтепа Аравансойнинг чап irmoғи ҳисобланган Чекободсойни қуйи оқимида жойлашган бўлиб, унинг атрофидан оқиб ўтаётган сувни махсус план асосида бошқа томонга буриш, менимча, шарт бўлмаган. Аксинча, Эски Ахси ўрнидаги шаҳарга махсус канал орқали 14-15 км масофада Косонсойдан сув келтирилган. Эрши шаҳрига келаётган сувни буриб юбориш тўғрисида Хитой муҳандислари тузган план ҳам Эски Ахси ўрнидаги шаҳарга тааллуқли бўлса керак.

Иккинчи тарихий манба «Ханьшу» ҳисобланиб, у милоддан аввалги 138-йилдан то милодий эранинг 23-йилигача бўлган воқеликларни ўз ичига олади. Унинг муаллифи Бан Гу «Шицзи»даги маълумотлардан тўлиқ фойдаланиб, янги воқеликлар билан бойитади. Жумладан, Бан Гу қуйидагича ёзади: бу даврда Давон (Фарғона) давлатининг подшоси Гуйшань (Гуйшуань) шаҳрида ўтирган; аҳолиси 300000 кишидан иборат бўлиб,

60000 оилани ташкил қилган, армияси эса 60000 аскардан ташкил топган (Бичурин, 1950).


«Шицзи»дан фарқли ўлароқ Фарғонанинг пойтахти Эрши эмас, балки Гуйшуань шаҳри деб, армия сони эса кўчманчи давлатларга ўхшаб оила сонига тенг қилиб кўрсатилган. Бунга аниқлик киритишдан аввал В.Тарн ҳамда Пуллейбланкларини фикрини келтирамиз.

В.Тарн ва Пуллейбланк 1930-1960 йилларда Хитой манбаларини анализ қилиб, Фарғона (Давон) давлатининг соҳиблари кўчманчи қабилалардан бўлган, - деган фикрни олға сурган эдилар (Тарн, 1938; Pulleyblank, 1966). Фарғонанинг сиёсий ҳаётидаги бу ўзгариш, менимча, милоддан аввалги I асрни 90-йилидан милоднинг I асрини 23-йилигача бўлган давр ичида юз берган бўлса керак (А.Анорбоев, 2000 А). Шу даврда Фарғонанинг бош пойтахти Эрши Гуйшуань деб номланган бўлиши мумкин. Демак, Пуллейбланк бу ерда ҳақ бўлиб чиқади, яъни, уни фикрича мамлум бир вақтда Юечжи (Гуйшуань - Кушан) қабилаларига оид гуруҳ Фарғона давлати тепасига келган. Бунга жавобан бош пойтахт шаҳар (Эрши) Гуйшуань деб номланган (Pulleyblank, 1966).

Милоднинг I асрларига келиб Фарғона водийсининг дарё ва сой ҳавзаларидан энг унумдор ерлар тўлиқ ўзлаштирилади, яъни, деҳқончилик кенг ривожланади. Шу билан бирга халқаро савдо алоқаларининг кенгайиши, кўп тармоқли ҳунармандчиликнинг жадал ривожланиши, кончиликнинг тезкорлик билан ўсиши шаҳар маданиятини ҳар томонлама барқ уриб, гуллаб-яшнашига олиб келди. Натижада, шаҳар маданияти ва турмуш тарзи жамиятнинг асосий мезонига айланади. Бу даврда шаҳар атрофигина эмас, балки узоқ қишлоқлар ҳам шаҳарга тақлид қилиб яшай бошлайди. Шунинг учун ҳам Хитой манбаларида катта қишлоқлар ҳам шаҳар деб тилга олинади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар эса ҳар томонлама ривожланади. Айниқса, милоднинг V-VII асрларида шаҳарда уй-жой қурилишига катта аҳамият берилади. Уйлар беш-олти хонали қилиб қурилган. Хона деворлари жуда силлиқ қилиб сувалган, баъзи уйларда сувоқ устидан рангли буёқлар берилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида ётоқхона, омборхона, ошхона, бир хилларида тоза сув қудуғи ҳам бор (3-расм, Ахси IБ, IX). Ётоқхоналарда девор бўйлаб кенг супа,

ерда эса сандалга ўхшаш иситгич ўчоқлар мавжуд. Бу даврга келиб қитъаларо йўл Ўзбекистон, жумладан Фарғона халқлари ҳаётида жуда муҳим роль ўйнай бошлайди. Айниқса, VI-VII асрларга келиб сўғд-турк савдогарлари шарқда Хитой орқали Корея ва Япониягача, ғарбда Ўрта ер денгизи бўйи давлатларигача, жанубда Ҳиндистон ва Цейлонгача бориб, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланганлар. Бу эса Ўзбекистоннинг қадимги вилоятлари ҳисобланган Шош-Илоқ (Тошкент), Фарғона (Фарғона водийси), Уструшона (Сирдарё-Жиззах) ва Сўғдни (Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Бухоро) иқтисодий баркамолликка, уларда яшаган халқлар турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади. Бу борада Ахсиқент ва Самарқанд сингари йирик шаҳрлар катта роль ўйнаган.

Буюк Ипак йўли орқали хилма-хил товарлар, жумладан, ипак



3-расм

матолар, қиммат-баҳо тошлар, олтин ва кумуш буюмлар, дори-дармонлар ва ранг-баранг буёқлар, самовий тулпорлар, ажойиб қушлар, жаннатий мевалар ва ҳар хил ичимликлар ташилган. Афсоналарга бой бу йўл бўйлаб истеъдодли мусиқачилар, актёрлар, rassomлар, қўли гул усталар ва дин тарғиботчилари саёҳат қилганлар. Ёзма манбаларнинг берган ҳабарларига қараган-

да, Хитой императори саройида Тошкент ва Самарқанддан борган санъат усталари доимий чиқишлар қилиб турган. Хитой императорлари Фарғонанинг самовий тулпорларида сайр қилишни ҳамда саф тортиб турган ҳарбий қўшинлари олдида пайдо бўлишни яхши кўрган. Ўрта Осиё подшолари эса Хитой ипак матоларидан тикилган либосларни яхши кўриб кийишган. Тили ва ди-

ний эътиқодлари ҳар хил бўлишига қарамай, Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона халқлари ёнма-ён, тинч-тотув ҳаёт кечирганлар. Бу албатта ўз навбатида иқтисодий юксалишга олиб келган. Муғтоғидан топилган молиявий ва хўжалик ҳужжатлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу борада сўғд тилида ёзилган № 3 ҳамда № 4 рақамли ҳужжатлар диққатга сазовордир. Бу ҳужжатларда сўғд қизи Дугдонача турк йигити Уттегинга турмушга чиқиши акс эттирилган. Бу келишув қоғози тенглик ва иттифоқ асосида ёзилган бўлиб, агарда уларни турмуши келажакда бузилса, унда йигит қизни ҳеч қандай камситмаган ҳолда ўз ота-онасига қайтариб бериши шарт бўлган.

Бошқа бир ҳужжатда Фарғона ҳукмдори - «ихшид» сўзи билан бирга иккинчи лавозим Фарғона ҳарбий маъмуриятининг бошлиги «тутуқ» тилга олинади (Лившиц, 1962). Бу лавозим, албатта, Турк ҳоқонлигининг тасарруфида бўлган бўлиши керак.

Ўзбекистондаги, жумладан Фарғонадаги тинч ҳамда барқарор ҳаёт араблар истилоси натижасида бузилади. Лекин, бу узоққа бормайди. VIII асрнинг охирида ҳаёт яна аввалги тинчлик ва ривожланиш йўлига қайтади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар янги ташкил топган Сомонийлар давлати ривожидида муҳим роль ўйнай бошлайди. VIII-IX асрнинг бошларида Ахсикент араб йилномаларида «Фарғона» деб номланган, яъни, пойтахт шаҳар водий номи билан аталган. Илк араб йилномаларидан ҳисобланган ат-Табарийнинг «Пайғамбарлар ва подшолар тарихи» асарида (VIII аср бошларида) Фарғона водийсининг 5 та шаҳари тилга олинади: Хўжанд, Косон, Боб, Қубо, Фарғона. Ат-Табарийнинг тарихида Фарғона шаҳри ҳақида тўлиқ маълумот берилмаган бўлса-да, лекин, уни ўқиган ўқувчи «Фарғона» шаҳри водийни пойтахти эканлигини сезиши мумкин (Табари, 1997).

Ибн Хордадбех ўзининг «Йўллар ва давлатлар» асарида, VIII асрнинг охири - IX асрни бошларида Боб билан Қубо шаҳарларини орасида «Фарғона» шаҳри жойлашганлигини ёзиб, унинг аниқ координатларини беради. Унинг ёзишича, Боб ва «Фарғона» шаҳарларининг орасидаги масофа 4 фарсахга, ундан Қубо шаҳригача эса 10 фарсахга тенг бўлган (Ибн Хордадбех, 1986). Агар бир фарсах 8 км.га тенг деб, олсак унда Бобдан «Фарғона» шаҳригача 32 км, «Фарғона»дан Қубогача 80 км ташкил қилади. Чунки, ҳозирги Поп ёдгорлигидан Эски Акси

ёдгорлигигача бўлган масофа 32-35 км.га Эски Ахси ёдгорлигидан то Қува шаҳри харобаларигача эса 80-85 км.га тенг. Кўри-ниб турибдики ҳеч иккиланмасдан Ибн Хордадбех асарида кўрсатилган «Фарғона» шаҳри ҳозирги Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган хулосага келиш мумкин (А.Анорбоев, 2000 Б). Демак, VIII асрнинг бошларида ат-Табарий тарихида тилга олинган «Фарғона» шаҳри ҳам Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида бўлган десак, адашмаймиз. Хулоса қилиб айтганда араблар истилоси арафасидан то IX асрнинг ўрталаригача Ахсикент шаҳри водийни номи билан «Фарғона» деб аталган экан. Буни археологик материаллар ҳам тўлиқ тасдиқламоқда.

Ахсикент марказлашган Сомонийлар давлати (IX-X асрлар) даврида Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий маркази сифатида гуллаб яшнади. Ахсикентда зарб қилинган танга пуллар Сомонийлар давлати иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган. Буни биз ички бозор муомаласида бўлган мис тангалар мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Ахсикентда зарб қилинган мис тангалар Ўрта Осиёнинг кўпчилик вилоятларидан топилган.

IX аср ўрталаридан бошлаб, Ахсикент шаҳристонининг деворлари мудофаа ҳолатини йўқота бошлади. Чунки, бу даврда (IX-X асрлар) марказлашган Сомонийлар давлати аҳолини мудофаа деворларисиз муҳофаза қила олган.

Бу даврда ҳам Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқларидан бири Фарғона орқали ўтган. Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Ер денгизи бўйи давлатларидан чиққан савдо карвонлари Самарқанд орқали ўтиб, Хўжандга келган «Хўжанддан сўнг йўл иккига бўлиниб, бири Поп (Боб), Ахсикент орқали Қувага борган, иккинчиси эса Сўх, Риштон, Марғилон орқали Қувада биринчи йўл билан бирлашиб, Ўш томон йўлланган (Ибн Хордадбех, Истаҳрий, Ибн Хаўвқал). Ўшдан сўнг, бу Буюк Ипак савдо йўли аввалгидек Ўзган, Отбоши ва Терекдавон орқали Хитойга ўтган.

Ахсикентнинг XI-XII асрларга оид маданий қатламларида бир неча кўча ҳам аниқланди. Улар шаҳарнинг шимолий ва шарқий дарвозаларига, марказий бозорга ҳамда темирчи, мисгар, заргар ва баққол, савдогарлар маҳалласига олиб боради.

Ёзма манбаларнинг берган хабарларига кўра, Ахсикент шаҳрининг бош бозори шаҳристонда бўлган. Буни археологик изла-нишлар тўлиқ тасдиқлади. Аниқланишича, марказий бозор ўзи-

нинг савдо расталари билан ташқи шаҳристоннинг шимоли-шарқида жойлашган бўлиб, икки гектардан зиёд майдонни эгаллаган.

Биринчи (ички) шаҳристоннинг икки жойида (1-расм, VIII, XVIII) ер ости водопроводи ҳам очилди. Бу водопроводлар X асрнинг охирларида узоқ вақтлар хизмат қилишга мўлжаллаб қурилган буюк инженерлик иншоотдир. Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, водопровод қурилган даврда шаҳристоннинг ичи зич уйлар билан банд бўлган. Шундай шароитда, қандай қилиб, бу ер ости иншооти қурилган экан? Аниқланишича, ўз замонасининг амалий илмларига таянган қурувчи усталари бу ажойиб иншоотни ҳозирги метро қурилиши шаклида бунёд қилишган. Аввал ер ости туннели қазилган, сўнгра унинг ичида пишиқ ғиштдан ярим гумбазсимон иншоот қуриб, унинг тубига катта диаметрли сопол қувурлар ётқизилган (4-расм). Сув ана шу қувурлар орқали оққан. Бундай сопол қувур парчаларини шаҳристон ва рабоднинг ҳамма жойида учратиш мумкин. Бу водопровод системаси шаҳар аҳолисига икки юз йилдан зиёдроқ хизмат қилган.



4 - расм


Биринчи шаҳристон ҳудудида (1-расм: XVII), арки аълонинг шарқий томонида X-XII асрларга оид жоме масжиди топиб ўрганилди. У тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг ички қисмида айланасига айвони бўлган. Айвон ўз даврининг моҳир усталари томонидан ясалган ажойиб устунлар билан безатилган. Масжид ҳовлисининг ўртасида тўртбурчак шаклида ҳовуз бўлган, ҳовуз қирғоқлари ва масжид ҳовлиси пишиқ ғиштлар билан безалган. Ҳовуз атрфида эса салқин берувчи дарахтлар мавжуд бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, иккинчи (ташқи) шаҳристоннинг қуйи қатламларида қуйи бронза ва илк темир даврига (милoddан аввалги X-IX асрлар) оид топилмалар қўлга киритилган. Бу албатта Ахсиқент тарихининг, қолаверса бу ҳудуддаги суғорма деҳқончилик тарихининг уч минг йилга тенг эканлигидан гувоҳлик беради.

Иккинчи шаҳристон ҳудудининг тўққиз жойида бир замонлар зилол сувга тўла бўлган ҳовузлар топилди (1-расм). Араб сайёҳларининг ёзишича, бу ҳовузларнинг қирғоқлари жуда чиройли қилиб безалган ва сувга махсус зинапоялар ёрдамида тушилган (Истахрий, ибн Хаувқал).

Шаҳристон харобалари устида сайр қилиб юрган киши унинг устида ҳар бир қадамда ишлаб чиқариш корхоналарининг қолдиқларига дуч келади. Бу эса ҳар бир кишини, бу ерда фақат савдо дўконлари ва ҳунармандчилик устахоналари бўлган, деган хулосага олиб келади. Лекин, тадқиқотлар давомида бу ердан XI-XII асрларга оид ўрта ҳол хонадонлар яшаган тўрт-беш хонали уйлар ҳам очилди.


Уйларнинг омборхона, ошхона ва ётоқхонаси қолдиқлари кўзга яққол ташланиб турибди. Уйлар қиш ойлари мўрили ўчоқ ва сандал ёрдамида иситилган. Уйлардаги омборхоналарни (тағхона) қурилиши ва жойланиши диққатга сазовордир. Хонадонларининг озиқ-овқат сақлайдиган омборхоналари уйларни тўрида ёки тагида жойлашганлиги кузатилган. Ички шаҳристоннинг шимоли-шарқида (1-расм: XI) XI-XII асрларга оид тағхона (омборхона) топиб ўрганилган. Аниқланишича, бу ерда XI-XII асрларга тегишли монументал уй жойлашган бўлиб, ундан бизгача фақат пишиқ ғиштли пол ҳамда деворларни пойдеворлари сақланиб қолган холос. Лекин, полни тагида жойлашган пишиқ ғиштли омборхона (тағхона) тўлиқ сақланиб қолган. У тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, махсус тромплар ёрдамида гумбаз билан беркитилган (5-расм; 6-расм). Хонадонларда ювинди сув ҳамда мева-чева, овқат қолдиқлари тўкиладиган алоҳида-алоҳида ўралар бўлган. Уларнинг диаметри 0,80-0,90 м бўлиб, чуқурлиги баъзида 15 метргача етган. Ҳовлига кирган киши бундай ўралар борлигини ҳам билмаган. IX-XII асрларда шаҳар қонун-қоидасига мувофиқ ҳар бир хонадон ўз ҳовлисига ювинди ва чиқинди учун махсус чуқурлар қазизиш шарт эди. Шаҳар майдонлари, бозорлар ва кўчаларни ифлос қилмаслик қаттиқ талаб қилинган. Шаҳарликлар ўз манфаати йўлида ҳеч қачон ҳовлиларини, савдо расталарини ва устахоналарини кўчалар ва майдонлар ҳисобига кенгайтириши мумкин бўлмаган. Ҳаттоки, масжидни ҳам кўча ҳисобига кенгайтириш мумкин эмас эди. Бу ишларнинг бажарилиши давлат вакили мухтасиб томонидан доимо назорат қилиниб турган. Шунини эслатиб



5-расм
План ва кесмалари

Ўтиш лозимки, ҳатто қиш ойлариди шахсий хонадон эгалари ўз уйининг томидан кўчага туширилган қорни ҳам кун давомида олиши шарт бўлган.

Археологик изланишлар давомида шахристон ҳудудида темир ва мис эритадиган махсус печлар, ҳунармандларнинг устахоналарида эса металл тоблайдиган ўчоқлар ҳам очилди. Ахсикент устахоналарида қурилиш ва хўжалик учун ишлатиладиган од-




6-расм
Тағхонага кириш

дий металл буюмларидан тортиб, то эгилса ҳам синмайдиган, тошга солса кесадиган қилич, ханжарлар тайёрланган. Шундай қимматбаҳо қуроллардан бирининг олтин суви юритилган дастасини кичик парчаси жорий 2001 йилда ҳунармандлар маҳалласидан топилди. Бундай кескир қиличлар махсус эгилувчан ва ўта мустаҳкам пўлатдан тайёрланган. Аҳсикент ҳунармандлари ўша вақтларда пўлатнинг эгилувчанлигини ошириш усулларини яхши билишган, лекин буни қаттиқ сир сақлашган. Улар олий сифатли пўлатни махсус идиш - тигелда (ўтга чидамли гил қозонча) ҳамда печда тайёрлашган. Печнинг деворлари ҳам юқори ҳароратга чидамли тигелга ишлатилган махсус лой билан сувалган. Бундай печь ва тигель 1650-1700 даражали иссиққа чидаган. Тайёр бўлган пўлат тигелни синдириш йўли билангина олинган. Нима сабабдан қимматбаҳо идишни синдиришга мажбур бўлинган? Чунки, технологик қоидага мувофиқ, металл тайёр бўлганда у тигелнинг тубида қолиб, унинг усти тошқол билан қопланган бўлади. Шунинг учун бўлса керак, Эски Аҳси шаҳристонининг ҳамда рабоднинг шаҳристонга туташган жойининг қайси жойига бормайлик, қаерни қазимайлик, албатта, тигель парчаларини учратдик.

Шаҳристон атрофида 350 гектардан зиёдроқ территорияни рабод эгаллаган. Араб сайёҳларининг маълумотларига қараганда, рабод ҳудудида чиройли боғу бўстонлар, бой-бадавлат одамларнинг уйлари бўлган. Археологик изланишлар натижасида рабоднинг шаҳристонга шарқ ва ғарб томондан туташган жойларида ҳам ҳунармандлар қароргоҳи бўлганлиги аниқланди. Шарқ томонида, дегрезлар ва темирчи усталар маҳалласининг ёнгинасида, шаҳристоннинг шарқий дарвозаси рўпарасида X-XII асрларга оид ҳаммом ҳам бўлган (7-7А расмлар). Унинг деворларида сақланиб қолган расм қолдиқлари, айниқса, диққатга сазовордир. Хоналарининг деворлари 200 йил давомида эллик мартача нам ва сувга чидамли махсус қоричмалар билан сувалгани маълум бўлди. Ҳар сафарги сувоқ устидан жуда чиройли геометрик шаклда гуллар туширилган, баъзи хоналари эса оддий кулранг бўёқ, билан бўялган. Ҳаммом ичи доимо озодаликда сақланган экан. Ишлатилган сув қувурлар ҳамда пишиқ гиштли туннель (8А-расм) ёрдамида пол ости орқали махсус ташнавга туширилган (8-расм).


Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, X-XI асрларда катта шаҳарларда бир неча ўнлаб ҳаммомлар бўлиб, улар-



7-расм
План

нинг ишлаши ва тозалиги устидан давлатнинг махсус вакили назорат қилиб турган. Ҳаммом маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун ҳам хизмат қилган, баъзан эса узоқ юртлардан келган савдогарларнинг учрашадиган, бинобарин, катта-катта савдо-сотиқ муаммоларини ҳал қиладиган жой вази-фасини ҳам бажарган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ахсиқент шаҳрига 14-15 километр масофада Косонсойдан ер ости водопроводи орқали сув олиб келинган. Бу бош водопровод қолдиқлари



8-расм
Тошнав



8а-расм
Канализация

1960 йилларда ҳозирги Шарқ Юлдузи жамоа хўжалиги ҳудудида топилган эди. Бу иншоот ҳам шаҳристондаги каби пишиқ гиштли туннель усулида қурилган. Сув бу қурилманинг ичидаги пишиқ гиштли ариқдан оққан. Шаҳарни сув билан таъминлайдиган бу иншоот ҳақида халқ орасида бир ривоят юради: шаҳар аҳолиси бу ер ости сув йўлини доим сир сақлаган. Кунлардан бир кун шаҳарни душман камал қилибди. Қамал қанча давом этмасин, шаҳар таслим бўлмабди. Ёв бунинг сирини билолмай турган пайтда, шаҳарлик бир аёл катта пул эвазига бу сирни душманга ошкор этибди. Сотқиннинг кўрсатмаси билан душман Косонсойнинг юқори оқимидан сувга сомон ташлабди. У оқиб маълум бир жойга борганда, айлана бошлабди. Натижада, шаҳри азим Ахсикентга борадиган ер ости водопроводи худди шу жойдан бошланиши билинибди. Ўша жойни тошлар билан маҳкам беркитишибди. Шунда шаҳарга сув келиши тўхтабди. Орадан бир неча кун ўтгач, сувсизликдан ҳориган шаҳар таслим бўлибди. Шундан сўнг шаҳар харобага айланган эмиш.

Фарғонада Ахсикентдан кейинги иккинчи катта шаҳар ҳисобланган Қува (Қубо) IX-X асрларда ҳар томонлама ривожланади. Бу даврда, илк ўрта аср давридаёқ шаҳристон худудидан ташқарига чиқиб кетган Қуванинг сиёсий ҳамда иқтисодий маркази рабод худудида бўлган. Рабод ўзининг серсувлиги, кўм-кўк дарахтларга бойлиги билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам шаҳар ҳокимлари ўз саройларини ҳамда марказий бозорни рабод худудида қурганлар. Қува усталари ясаган кўзни қамаштирадиган, нозик шиша идишлар шу марказий бозорда сотилган.

Буюк Ипак йўлининг Шимолий Фарғона орқали ўтган тармоғи (Хўжанд-Боб-Ахсикент-Қубо) XI-XII асрларда Ахсикентдан сўнг иккига бўлинган: бири «Миён Рудан» («икки сув ораси») орқали Ўзган томон йўналган бўлса, иккинчиси Ахсикентдан Қубога эмас, балки Марғилонга борган. Жанубий Фарғонанинг Сўх-Ҳайдаркон регионида тоғ-кон саноатини тезкорлик билан ривожланиши натижасида Буюк Ипак йўлининг Жанубий Фарғона (Хўжанд-Риштон-Қубо-Ўш) орқали ўтган тармоғи XI асрдан бошлаб, Сўх-Ҳайдаркан, Ўхна, Қадамжой, Водил орқали ўтиб, Марғилонга келган кўринади. Шунинг учун бўлса керак, IX-X асрларда ривожланган шаҳар ҳисобланган Риштон XI-XII асрларга келиб қишлоққа айланиб қолади. Қува (Қубо) бўлса ўзининг аввалги мавқени йўқотиб, кичик бир шаҳарга айланиб қолади.

Табий экологик шароитнинг қулайлиги ҳамда Фарғона орқали ўтган Буюк Ипак йўлининг шимолий ва жанубий тармоғларини Марғилон орқали ўтиши XI-XIII аср бошларида уни ас-Самоний сўзи билан айтганда, «энг буюк шаҳарлардан бирига» айланишига олиб келади.

XI асрга келиб Қорохонийлар давлати даврида сиёсий пойтахт Ахсикентдан Ўзганга кўчирилади. Лекин, археологик материалларининг таъкидлашича Ахсикент XI-XII асрларда ҳам аввалгидек, бутун Фарғона водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверди. Ахсикент бу даврда ҳам Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб қолади. Бу ерга Хитойдан, Ўрта Ер денгизи атрофи мамлакатларидан, Ҳиндистондан узлуксиз савдо қарвонлари келиб турган.

Эски Ахси харобаларидан топилган бу даврларга оид моддий ва маданият ашёлари жуда ҳам кўп ва ранг-баранг. Айниқса, сирланган сопол идишлар диққатга сазовордир.

Уларнинг баъзиларидан куфий ёзувидаги битикларни ўқиш мумкин. Баъзиларига эса афсонавий ва йиртқич ҳайвонлар ҳамда хонаки қуш тасвирлари туширилган (9-расм). Ахсикент ҳунармандлари бу даврда сирли сопол идишларни безаш ва сирлаш борасида ўзига хос мактаб яратди. Бунинг маҳсули бўлган ажойиб нақшиндор ва чиннидек жилога эга идишларнинг намуналари Европанинг энг нуфузли музейларидан бири Париждаги Лувр

Давлат музейида ҳам сақланмоқда.

XIII асрнинг 19-20-йилларида Ахсикент мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинади. Юқорида тилга олинган водопровод, саройлар, жоме масжиди бузиб ташланади, устаси фаранг Ахсикент усталари бўлса қул қилиб Мўғулистон томон олиб кетилади.

Орадан маълум вақт ўтгач, Ахсикент шаҳри



9-расм

янги ерда, Эски Ахси ёдгорлигидан 5-6 километр шимоли-ғарбда, ҳозирги Яккайигит қишлоғи ўрнида қад кўтарди. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозир халқ орасида Янги Ахси деб юритилади. Бу ерда буюк Бобир Мирзонинг отаси Умар Шайх Мирзо бутун Фарғона водийсига подшолик қилган.

Тарихга назар ташласак IX-XII асрларга келиб, жаҳон цивилизациясининг маркази Марказий ва Олдинги Осиё ҳудудларига кўчганлигини кузатамиз Жуда катта сиёсий ва иқтисодий қудратга эга бўлган араб халифалиги бу даврда илм-фан ва маданиятни ривожланишига катта имкониятлар яратиб берди. Бу тарихда араб илм-фани ва маданияти номи билан машҳурдир.

Математика, астрономия, фалсафа, тарих ва илоҳиёт фанларининг ривожлантиришда ўзбекистонлик буюк аждодларимизни хизматлари каттадир. Уларнинг асарлари билан ўрта аср Оврўпа мутафаккирлари яқиндан таниш бўлган. Масалан, ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқалар XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрни бошларида ижод қилган оврўполик аллома ва буюк шоир Данте асарларида бир неча бор эҳтиром билан тилга олинади. Бу даврда яшаб, ижод қилган фарғоналик мутафаккир олимлар Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин ал-Марғилоний, ака-ука Ахсикентий ва бошқаларни ўзбек халқи тарихида ўзига хос ўрни бор.

Жумладан, IX асрда яшаб ижод қелган буюк юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғоний астрономия фанининг ривожда жуда катта хисса қўшган. У дастлабки билимларини Фарғонада олиб, вояга етган бўлса ҳам, ижодий баркамоллика она юртдан узоқда, халифалик маркази Бағдодда эришади. Ал-Фарғоний маҳаллий мадрасада ўқиб юрган чоғларидаёқ математика ва астрономия фанларини жуда ҳам яхши кўради. Бу вақт ичида у араб, форс, турк тилларини мукаммал биларди. Илмга ташналик ал-Фарғонийни Бағдодга халифа ал-Маъмун тузган «Байт ул-ҳикм» кейинчалик, Бағдод академияси номи билан машҳур бўлган даргоҳга етаклаб келади. У ерда бир неча ўрта осиелик олимлар ал-Хоразмий бошчилигида илм-фан билан шуғулланаётган эдилар. Бағдод академиясига хоразмлик буюк юртдошимиз ал-Хоразмий бошчилик қиларди. Бағдодга келган ал-Фарғоний дастлаб қадимги ҳинд, юнон тилларини ўрганиб, у тилларда битилган китобларни ўқиш ва ўрганиш билан банд бўлади. Тез орада ал-Хоразмий уни ўз қарамоғига олади. Аҳмад ал-Фарғоний Бағдоддан унча узоқ бўлмаган Шаммасия расадхонаси-

да ишлаб фалакиёт (астрономия) илми борасидаги буюк иқтидорини намоён этади. 847-848 йилларда ал-Хоразмий топшириғига биноан, у бир гуруҳ олимлар билан бирга Ер меридиани узунлигини ҳисоблаб чиқади. Шу билан бирга у ойнинг тутилишини аниқ ҳисоблаб беради ва қуёшни ботиш пайтидаги катталашиш сабабларини ҳам исботлайди (Крачковский, 1957).

Кейинчалик, ал-Фарғоний ўзининг «Самовий ҳаракатлар хақида китоб ва юлдузлар хақидаги билимлар мажмуаси» деган машҳур асарини ёзади. Бу асар XII асрдаёқ лотин тилига, сўнгра бошқа Оврўпа тилларига таржима қилиниб, то XVIII асрларгача фалакиёт илми бўйича Оврўпа бўйлаб асосий қўлланма ҳисобланган. Айниқса, асарнинг охирида берилган жадвал диққатга сазовордир. Унда маълум бўлган географик жойларни етти иқлимга бўлиб, аниқ координатлари билан шарқдан ғарб томон жойлаштирган. Буни таъсирини биз Ғарбий Оврўпа илк уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси Алигъери Данте ижодида кўришимиз мумкин. Масалан, Данте ўзининг «Базм» ва «Илоҳий комедия» асарларида фалакнинг тузилиш тартибини тасвирлаганда Аҳмад ал-Фарғонийга суянади. У «Базм» ва «Янги ҳаёт» асарларида ал-Фарғоний номини камол эҳтиром билан тилга олади (Неклесса Геннадий, 1998).

XV асрнинг охирларида Христофор Колумб ўзининг Ғарб орқали, Шарқ мамлакатларига саёҳатини бошлашда, ал-Фарғоний асарларидан фойдаланади. Фарғоналик олимнинг ўта аниқ ҳисоб-китобларидан буюк географик кашфиётлар даврида дунё бўйлаб юрган саёҳатчилар ҳам ўз сафарларида фойдаланганлиги сир эмас.

Энди яна IX-XI асрлардаги Марказий Осиё халқларининг ҳаётига қайтамыз. Юқорида айтилганидек, IX-X асрларда вужудга келган шароит Сўғд, Фарғона ва Тошкент халқларининг турмуш тарзини яхшиланишига олиб келади. Бу ҳолат XI асрда Қорахонийлар даврида ҳам давом этади. Бу давр ичида ислом дини Марказий Осиё халқлари ҳаётида асосий ҳукмрон динга айланганлигига қарамай, жойларда бошқа диний эътиқодларга мансуб одамлар ҳам бемалол мусулмонлар билан ёнма-ён яшайверганлар. Масалан, X асрда араб сайёҳатчиси Ибн Хаўвқал Самарқандда бўлган чоғида шаҳарда мусулмонлар билан ёнма-ён оташпарастлар ҳам яшашлигини таъкидлаб ўтади. Фарғона ҳамда Тошкентда эса бир неча диний эътиқод-

ларга мансуб халқлар гуруҳи мавжудлиги маълум. IX-X асрларда Эронда зардуштилик таълимоти гуллаб яшнаган.

Бу даврда ислом дини доирасида тасаввуф («сўфизм») таълимоти ҳар томонлама ривожланади. У ўзига хос мафкура яратади, унда гуманизм ва инсонпарварлик ўз аксини топади. Бу таълимот доирасида дастлаб, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий ва бошқалар, сўнгра Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Яссавий ва ҳоказолар дунёга келиб, вояга етадилар. Улар дунёда биринчилардан бўлиб табиатнинг кўплаб қонуниятлари сирларини кашф этадилар, алжабр ва ҳандаса (геометрия) илмларининг асосчиларидирлар, Фалакиёт тарих, геометрия илоҳиёт ва бошқа соҳалар бўйича ўлмас асарлар яратадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилигига «фанлар отаси» деган улуғ ва шарафли унвон берилган.

Аҳмад Яссавий - тасаввуф («сўфизм») таълимотининг йирик намояндаси бўлиб, XI-XII асрларда яшаб ижод қилган. У ўз асарларида ҳар қандай инсонни, диний этиқодларидан қатъий назар, улуғлайди ва ўз ҳимоясига олади:

*Суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қаттиг дилозордан худо безор*

(Иззат Султон, 1994).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, X-XII асрларда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаёти ҳанафия таълимоти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бу мактаб мантиқий тафаккурга энг яқинроғи бўлиб, барча аҳоли табақаларининг турмуш тарзини ҳисобга олган. Унда асосий фикр имон-этиқод ҳақидадир. Бу таълимотта асосан имонли киши агар гуноҳ қилиб қўйса ҳам жазо олгандан сўнг, албатта, жаннатга йўл олиши мумкин. Агар тўғри, ҳалол ва диёнатли бўлган киши гарчи Оллоҳни билмаса ҳам у дунёда дўзахга ҳам, жаннатга ҳам тушмаслиги ҳақидаги эътиқоддир.

Ҳанафия мактаби тасаввуф (сўфизм) таълимоти билан аввалдан алоқада бўлган. Биринчи исломий сўфийлар (Фозил ибн Аёз, Зулфунун Мисрий, Боязид Бистоний, Иброҳим Адҳам ва бошқалар). ҳанафия таълимотининг машойиҳлари ҳисобланган (Қодиров, 2000).

Ҳанафийлик ақидалар X асрда Самарқандга кириб келиб, Абу Мансур Мотуридий Каломий фалсафасининг шаклланиши ва унинг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Шундай шароитда ислом қонуншунослигида ўчмас из қолдирган буюк аллома Бурҳониддин Марғинович яшаб ижод қилган. У фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмининг буюк намояндаси сифатида ҳаётнинг ўзгариш, тараққиётга қараб, шарият ҳукмларига ҳам омма манфаатлари нуқтан назаридан маълум ўзгаришлар киритилишини такидлаб ўтган.

Унинг «Ҳидоя» асари жуда машҳурдир. Бу асарда мусулмон ҳуқуқий тафаккур тарихига доир қимматли материаллар бор. Жумладан, жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқ нормалари, оила ва никоҳнинг ҳуқуқий асослари, давлат қурилишининг ҳуқуқий масалалари ва жинсий жавобгарлик масалалари ҳар томонлама ёритилган. Умуман олганда, Бурҳониддин ал-Марғиновичнинг асарларида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчилик турлари ва уларнинг ҳуқуқий асослари, давлатнинг молиявий фаолияти, фуқаролар ҳуқуқи ва суд юритиш масалалари ҳам кенг ўрин олган.

Бурҳониддин Марғинович ўзининг «Ал-ҳидоя фи-лфуруъ» («Фикҳ соҳалари ҳақида кўрсатмалар») китобида солиқ масаласига катта эътибор беради. У ислом динида «қалол» ва «қаром» тушунчаларидан фойдаланган ҳамда ортиқча солиқ солишни «қаром» деб билган. Фосид ва хоин шахсларни давлат ишларига қўйишни ҳам «қаром» ҳисоблаган. Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурҳониддин Марғинович сингари ўрта аср фалакиёт ҳамда фикҳ илми намояндalари яратган асарларни илмий таҳлил қилиш, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давом этаётган ислоҳот жараёнларини тезлатишда катта роль ўйнайди - деб умид қиламиз.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона водийси ўзининг узоқ ва бой ўтмиш тарихи билан, Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурҳониддин Марғинович каби алломалари билан ўзбек халқи тарихида ўзига хос унутилмас из қолдирган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анарбаев А.А. Ахсикент в древности и средневековье // Советская археология, № 1. М., 1988.
2. Анарбаев А.А. Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье // Общественные науки в Узбекистане, № 1-2. Ташкент, 1994.
3. Анарбаев А.А. Ферганский феномен урбанизации (итоги и перспективы исследования) // Марказий Осиёда урбанизация жа-

- раёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Самарқанд, 1995.
4. Анарбаев А.А. Ахмад ал-Фергани и культурная жизнь Средней Азии // *Общественные науки в Узбекистане*. Ташкент, № 12. 1998.
 5. Анарбаев А.А. О раннем городе Ферганы // *Ош и Фергана в исторической перспективе*. Вып. 3. Бишкек, 2000.
 6. Анарбаев А.А. Фергана в китайских источниках (некоторые критические замечки) // В кн.: *Фаргона водийси тарихининг долзарб муаммолари*. 1 жилд. Фаргона, 2000 А.
 7. Анарбаев А.А. Средневековые города Ферганы по письменным источникам. // В кн.: *История, культура и экономика юга Кыргызстана*. Ош, 2000 Б.
 8. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. том 1. М., 1963.
 9. Большаков О.Г. Город в конце VIII- начале XIII в. // *Средневековый город Средней Азии*. Л., 1973.
 10. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // *МИА*, № 26, М.-Л., 1952.
 11. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II М.-Л., 1950.
 12. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // *МИА*, № 118, М., 1962.
 13. Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана // Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. ист. наук. Л., 1954.
 14. Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. докт. дисс. М., 1978.
 15. Заднепровский Ю.А. Ошское поселение к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек, 1997.
 16. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран // Пер. с арабского, комментарии, исследование, указатели и карты Наиля Веллихановой. Баку: Элм, 1986.
 17. Истахри. *Китаб масалик ал-мамалик ал-Истахри* (персидский перевод) // В кн.: *Материалы по истории киргизов и Киргизии*. М., 1973.
 18. Ибн Хаукаль. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля (пер. с арабского Е.К.Бетгера). В кн.: *Труды Среднеазиатского Государственного университета. Археология Средней Азии*. Вып. IV. Ташкент, 1957.
 19. Иззат Сулгон. Баховуддин Нақшбанд абадияти. Тошкент, 1994.

20. Кошелев Г.А. Заключение к восьмой главе. «Фергана» Ташкентский оазис, Уструшана. В кн. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии // Археология. М., 1985.
21. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература // Изб. соч., т. IV. М.-Л., 1957.
22. Қодиров М. Ханафия мактаби ва Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакир Ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний фикҳининг Мовароуннаҳрдаги ривожи // Жанубий Қирғизистоннинг тарихи, маданияти ва иқтисоди. Ош, 2000.
23. Неклесса Геннадий. Христофор Колумб ва Аҳмад ал-Фарғоний // Соҳибқирон юлдузи. Тошкент, № 10. 1998.
24. Рузанов В.В. Еще раз о хронологии Чустской культуры Ферганы // Российская археология, № 4. М., 1999.
25. Табари. История ат-Табари. Пер. с арабского В.И.Беляева. Ташкент, 1987.
26. Pulleyblank E.G. Chinese and Indo-european // Journal of the Royl Asiatic Sociality of Great Britain and Ireland. № 1-2.
27. Tarn W. The Greeks in Bactria and India. Cambrige, 1938.

ФАРҒОНАНИНГ ИБТИДОЙ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида, жумладан, Фарғона водийсида яшаган қадимий аجدодларимизнинг илк тарихи қадимги тош давридан бошланади. Археологик қазич ишлари шуни кўрсатадики, нафақат Ўзбекистонда балки бутун Ўрта Осиё ҳудудида аجدодларимиз тарихининг бошланганига 1-1,2 миллион йил бўлган. Маълумки, синфий жамиятнинг бошлангани эса 2,5-2,7 минг йил билан белгиланади. Демак, бу минтақада ҳам инсоният тарихининг 99,75 фоизини ибтидоий тизим тарихи ташкил этади. Фақат 0,25 фоизигина қолган ижтимоий-иқтисодий цивилизацияларга тегишлидир, холос.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ана шундай қадимий тарихни ўз бошларидан ўтказган аجدодларимиз ҳақида яқин йилларга қадар, нафақат бизнинг халқимиз, балки улар орасидан етишиб чиққан зиёлиларимиз ҳам, оддий бўлса-да тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Чунки, бизнинг қадимий гўзал ва нафис тарихимизни ёритувчи миллий археолог олимларимиз XX асрнинг иккинчи ярмига қадар йўқ даражада эди. Шунинг учун ҳам нафақат бизнинг Ўзбекистонимиз, балки Ўрта Осиё минтақасининг ибтидоий тузум тарихи ҳақида маълумотлар йўқдир. Бундай бўлишнинг асосий сабаби, Ўрта Осиёни босиб олган чор Россиясининг, ўзларини адолатпарвар қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган қизил империянинг идеологияси миллий маданиятимизнинг юксак даражада бўлганлигини кўрсатишга мутлақо қарши эканлигидан эди.

Бундай ҳолатдан қутулишнинг йўли битта эди. У ҳам бўлса миллий кадрлардан мутахиссис археолог олимларни тайёрлаш вазифасини ҳал қилиш эди. Нафақат ўзбек археологларининг, балки Ўрта Осиё қадимшуносларининг фан оламида юқорида даражасига кўтарилган Я.Ф. Фуломов нинг тинимсиз саъй - ҳаракатлари туфайли ўтган асримизнинг 60 йилларида бирин-кетин ўзбек археологларидан фан номзодлари чиқа бошлади. Натижада, 1970 йилнинг 1 октябрга келиб, катта ташкилотчи ўз халқининг фидойиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг собиқ вице президенти И.М. Мўминов ҳомийлигида ЎзР ФА си таркибида асосий ўзагини ўзбек олимлари ташкил қилган археология институти ташкил этилди.

Ана шу илмий текшириш институти базасида 10 дан ортиқ фан докторлари ва 50 дан ортиқ фан номзодлари тайёрланиб, улар

томонидан ибтидоий жамоа тузумини барча жабҳаларини ёритувчи ўнлаб йирик монографиялар ва юзлаб муҳим муаммолар ечимига оид илмий мақолалар юзага келди Бундай илмий изланишларни якуни аждоқларимизни ибтидоий жамоа тузумини барча қирраларини ёритиш учун пойдевор яратган бўлса, 1991 йилнинг 1 сентябрида жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришуви барча фанлар қатори, археология фани ва уни мутахассис олимлари учун улкан мақсадларни амалга оширишларига жуда катта имкониятларни яратиб берди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганларидек: «Мустақиллик йиллари ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни ҳолисона билиб олиш давридир. Бу жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир... Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиш давридир» (И.А.Каримов. 1995.)

Шундай экан, шу куннинг талаби мустақил Ўзбекистонимиздаги ҳар бир орияти, виждони пок инсоннинг ким бўлишидан, қайси касбга мансуб бўлишидан қатъий назар, имкон қадар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидоийлик қилмоғи лозим. Бу борада тарихчи ва археолог олимларимизнинг маъсулияти янада кучлироқ бўлиши керак деб ўйлаймиз. Чунки тарихимизни бор бўйи - басти билан оқилона кўрсатишимиз учун ҳеч қачон ва ҳеч бир замонда ҳозиргидек шароит яратилмаган эди. Шунинг учун ҳам, ҳозирги кунда археолог олимларимиз томонидан мустақил Ўзбекистонимизни эрксевар фуқароси, ўзлигини англашга ва маънавиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш мақсадида, жуда кенг миқёсда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бу борада ибтидоий тузум тарихини илк даври ҳақида кейинги йилларда жуда катта археологик ишлар олиб борилди Маълумки, юқорида таъкидлаганимиздек, XX асрнинг иккинчи чорагига қадар нафақат бизнинг Ўзбекистонимиз балки, Ўрта Осиё ҳудуди бўйича ибтидоий тузумни илк ва ўрта даври ҳақида маълумот берувчи бирорта ҳам археологик ёдгорлик топилмаган ва ўрганилмаган эди. Шунинг учун ҳам XX асрнинг 30 - йилларини бошларида фашистлар Германиясининг ҳокимияти тепасига келган А.Г.Гитлер ва унинг тарафдорлари томонидан ғайри илмий нуқтаи назар яратилиб, бизга кўра ер юзидаги барча халқлар Неандертал одамлардан тарқалган.

Фақат фашистларгина тоза қондан яралган одамлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиш жойлари Ўрта Осиё бўлган деб даъво қилиб чиқдилар. Уларнинг келиб чиқиш жойларининг Ўрта Осиё деб кўрсатишларини сабаби, 1938 йилга қадар Ўрта Осиё ҳудудидан ўрат палеолит, яъни мустье даврида яшаган неандертал одамларини маконларини топилмагани эди. Аниқроғи, Ўрта Осиёдаги Россияга қарам бўлган республикаларнинг биронтасида ҳам археолог олимларни умуман бўлмаганлиги сабабли, бу регион мутлақо ўрганилмаган эди. Шунинг учун ҳам А.П.Окладников томонидан Тешиктош Ғорини, яъни неандертал одамларини яшаган маконини топилиши ўз вақтида жуда катта воқеа бўлиб, юқоридаги каби ғайри илмий уйдирмаларга барҳам беришга сабаб бўлган. Ўша вақтларда ҳам археология фанидан яхши танилмаган, эндигина аспирантуранинг II курсида ўқиётган аспирант А.П. Окладников давлат мукофотининг совриндори бўлган эди.

Шуни айтиш керакки, ўтган асримизни II ярмидан бошлаб, айниқса, унинг охириги чорагида Ўрта Осиёдаги республикаларнинг миллий кадрлардан ташкил топган мутахассисларни илмий изланишлари натижасида Ўрта Осиё ҳудудларида 300 дан ортиқ, ўрта полиалитга, яъни мустье даврига мансуб неандертал одамларни меҳнат қуроллари ва маконлари борлиги аниқланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасида Археология институтининг ташкил топгани ва унда мутахассис археолог олимларни жамлангани туфайли, у бош ролни ўйнади. Фақат Тошкент воҳасининг ўзидагина 30 дан ортиқ мустье ёдгорликлари топилди ва мукамал равишда ўрганилди. Аммо, Ўрта Осиёдаги 300 дан ортиқ мустье ёдгорликлари орасида Тешиктош Ғорида яшаган неандертал одамларнинг макони ўзининг қадимийлиги ва археологик материалларини бойлиги билан ҳамон ўз ҳукмронлигини давом эттириб келмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Тешиктош Ғоридан топилган археологик топилмалар ҳозиргача жуда катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Фақат тошдан ясалган маҳнат қуролларининг сони 339 та бўлиб, уларнинг чиқиндилари 3000 тага етади. Тешиктошдан топилган меҳнат қуролларини аксарияти қирқувчи ва тарашловчи вазифаларни бажарганлар. Бу меҳнат қуроллари орасида ўрта палеолитни неандертал одамларига хос бўлган рапидасимон нуклеуслар (ўзақлар) бир нечта нусхада бўлиб, уларнинг диаметри

10-15 см бўлган. Бу каби ўзақлардан неандертал одамлари отбойник (вазни 300 гр 0,5 кг бўлган қайроқ тошлар) ёрдамида учбурчаксимон учириндилар учириб олинган. Учириб олинган учириндилар ўткир қирраларга эга бўлиб, улардан териларга ишлов бериш, ёғочларни кесиш, рандалаш каби ишларда фойдаланганлар. Мустье маданиятига яъни, неандерталларга хос бўлган бўлган бундай меҳнат қуроллари Тешиктошдан бошқа ҳеч қаерда ҳозиргача бунчалик кўп топилмаган. Тешиктошда топилган топилмаларнинг энг қимматлиси бу Тешиктош неандертал одамнинг суяк қолдиқларидир.

Булар асосан, калла суяги, елка ва ўнг сон суягининг парчалари, йўғон болдир суяги ва деярли сақланиб қолган иккала кичик болдир суяги, диафизига ҳамда умуртқа поғонасининг баъзи бўлақларидир. А.П.Окладников томонидан топилган ва мукамал равишда ўрганилган Тешиктош ёдгорлигини муҳим аҳамиятларидан яна бири шундаки, неандертал болани кўмилган қабрини ўраб, санчилган тоғ эчкиси шохларининг топилганлигидир. А.П.Окладниковнинг хулосасига кўра, аждодларимизда кўмиш маросимини ўрта палеолит яъни, неандерталлар замонига келиб пайдо бўлганини тасдиқлайди. Кўмиш маросимидан далолат берувчи бу каби ёдгорликлар жаҳоннинг бошқа жойларида ҳам топилган бўлса-да, қабрларни эчки шохлари билан ўраб қўйиш яъни, нимагадир ишониш, эътиқод қилишни акс эттирадиган неандерталларга хос ёдгорликлар бизнинг Ўзбекистонимиздан бошқа жаҳоннинг ҳеч бир ерида топилгани йўқ. Шунинг учун ер юзида эътиқод қилиш, биринчи бўлиб бизнинг аждодларимизда пайдо бўлган десак бўлаверади.

Тешиктош Ғоридан топилган одамнинг суяк қолдиқлари антропологларда ўз вақтида жуда катта қизиқиш уйғотган. Антрополог хулосаларига кўра неандертал боланинг бош суягини ҳажми 1490 3 см бўлиб, уни қопқоғи питеконтроп ва синантропникидан анча баландроқ бўлган. (Дебец 1940), (Гремяций 1949). Тешиктош Ғорининг неандертал одамнинг суяк қолдиқларини ўрганишга қизиқиш антропологлар томонидан 1970 йилларда ҳам давом этди. Таниқли антрополог олим академик В.А. Алексеевни антропология фанини кейинги ютуқларига таянган ҳолда Тешиктош одамни такрорий ўрганишнинг натижалари, бу неандертал одамни суяк қолдиқлари, илгари айтилганидек 8 яшар ўғил болани суяк қолдиқлари бўлмай

балки, аёл кишиники бўлиб, уни инсон эволюциясининг неандертал вазифасига мансуб ва Европа ёки Олд Осиё гуруҳига киришини кўрсатди. (Алексеев, 1973.)

Юқоридаги айтилган фикрларга хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки, ер шарида яшовчи барча халқлар ўзларининг тарихий тараққиёт йўлларида неандертал одамни босқичини ўз бошидан кечириб ўтганлар. Ҳеч қандай олий ирқ ёки паст ирқ бўлмаган. Дунёнинг кўп жойларида бўлгани каби Ўрта Осиёда ҳам неандертал яшаганлар. 1938 йилда А.П.Окладников томонидан Тешиктош одамни топилишининг буюк аҳамиятларидан яна бири шу бўлдики, Ўрта Осиёда инсониятнинг қадимдан, яъни 80-100 минг йиллардан бери яшаб келганликларини исботлаб берди. Илгари бизга маълум бўлмаган аждодларимизни ўрта палеолит тарихининг саҳифалари ҳар томонлама далилли ашёларга суянилган ҳолда ёритилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. Бундай ҳолат нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё халқларининг қалбларини фахр-ифтихор ва ғурурга тўлдирди. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки бу билан Ўрта Осиё халқлари тарихини минг асрга тенг эканлигини исботланган эди. Аммо, бу ҳоли она халқимизни илк тарихи ҳақидаги охириги сўз эмас эди. Орадан йиллар ўтиб, ўз миллий кадрларимиздан етишиб чиққан мутахассис археолог олимларимизни тинимсиз изланишлари ва уларни Она- Ватанимиз тарихига алоҳида меҳр-муҳаббат туйғулари билан қарашлари туфайли аждодларимиз тарихи археологик маълумотларга суянган ҳолда 100 минг йилдан 1 млн йилга етказилди.

Бундай улкан ютуқ Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, тарих фанлари доктори археолог олим Ў.Исломовнинг Фарғона водийсининг Селунгур Ғоридан топилган энг қадимги аждодларимизнинг маконида узоқ йиллар давомида археологик қазииш ишларини олиб бориши натижасида қўлга киритилди. Ўзининг археологик топилмалари туфайли жуда катта тарихий аҳамиятга молик бўлган бу ёдгорликда Ў.Исломовнинг устози бўлган академик А.П.окладников уч маротаба яъни, 1955, 1960, 1964 йилларда бўлиб, шу Селунгур Ғорини ўнг томонида бу маконни қайси даврга мансуб эканлигини аниқлаш мақсадида текширув шурфини солган эди.

Натижада, биринчи маротаба бу ғорда бир неча учириндилар топилиб, улар палеолитни сўнгги даври ҳисобланган.

Юқори палеолитга мансуб деб топилган эди. (Окладников, Леонов, 1961.)

А.П.Окладниковдан сўнг Ҳайдархон атрофларида қадимги аجدодларимизни илк бор ўрнашганликлари тарихи билан Я.Ғ.Ғуломов бошчилигидаги Фарғона полеолит отряди катта ишларни қилди.

1960 йилларда бу отряд томонидан мезолит даврига оид Обишир I ва V топилди. Булардан ташқари 28 та ғор кўриб чиқилди. 1980 йиллардан бошлаб, Ў.Исломов бошчилигидаги ЎЗР ФА га қарашли археология институтининг полеолит отряди Селунгур Ғорида қазииш ишларини олиб борди, фақат Ўзбекистонимиз учун балки, бутун Ўрта Осиё республикалари учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган қатор янгиликлар яратилди.

Шуни айтиш жоизки, сўнгги йилларда жаҳондаги кўзга кўринган таниқли археолог олимларимизнинг кўпчилиги одамни пайдо бўлиши ва уни тарқалишидек ғоят муҳим ва юксак аҳамиятга молик бўлган муаммони ҳал қилишга астойдил киришдилар. Гарчи, бу масала билан XX асрнинг 60 йилларида назарий жиҳатдан ёндошилган бўлса ҳам ҳозирги кунлардагидек, амалий жиҳатдан таҳлил этилмаган эди.

Шунинг учун ҳам 1970 йилларга қадар барча дарсликларда ва илмий рисолаларда ер юзида одамнинг пайдо бўлиши бир 1 миллион йилга тенг деган фикр тўла ҳукмрон бўлиб келган эди. Бундай фикрни юзага келишига асосий сабаб, Францияни Шелль ва ашелль манзилгоҳлари эни топилган инсониятнинг қадимги аجدодлари ҳисобланган архантропларни (архантроплар дейилганда қуйи палеолит даврида яшаб ўтган одам зоти ни аجدодлари тушунилади) меҳнат қуроолларини кўплаб топилиши бўлган эди. Бундай меҳнат қуроолларини археология фанида « Ручное рубило» (қўл чопқиси) дейилган. Бу ҳилдаги қўл чопқиларини археологлар бодом ва юрак шаклига қиёслаб, серцевидное, миндалевидное орудия деб атаганлар. Чунки, уларнинг ташқи кўринишлари ҳақиқатдан ҳам бодомсифат ва юраксифат бўлган.

1960 йилларга қадар археологлар бу қўл чопқиларини хронологик жиҳатдан икки даврга: Шелль ва ашелль даврига бўлганлар. Шелль даврига оид қўл чопқиларини 800 - минг йилдан 500 минг йилгача, Ашеллга оидларини 500 мингдан 80-

100 минг йилгача яъни мустьегача бўлган давр билан белгиланганлар. Бу хилдаги қадимий меҳнат қуролларини даврларга бўлганларида археологлар кўпроқ уларнинг вазнига эътибор берганлар. Шелль қуролларининг вазнлари 0,5 кг дан 1 кг гача бўлса, Ашелль қуролларининг вазни 0,5 кг дан 300 гр гача бўлган. Аммо уларнинг ясашиш техникалари асосан бир хил бўлган. Бу борада жуда узоқ йиллар давомида тажриба ишларини олиб борганлар. С.А.Семенов (Семенов, 1964) нинг фикрига кўра ибтидоий одамлар Шелль ва Ашелль хилдаги қўл чопқиларини ясашларидан олдин, ана шу қуролларини ясашиш учун қулай шаклга эга бўлган тош парчаларини танлаганлар. Бундай тош парчалари кўп ҳолатларда япалоқроқ қиёфага эга бўлганлар. Чунки бу хилдаги хом ашёларнинг ён томонларидан тош болталар ёрдамида уриб, учириб ишлов бериш анча қулай бўлган (тош болға деганда оғирлиги 0,5 кг дан ошмаган оддий қайроқ тош тушунилади).

Рус тилида бу тош болғалар отбойниклар дейилади. Бу хилдаги отбойниклар ёрдамида нафақат қўл чопқиларини ясашда балки, тош ўзақларидан зарб билан уруш натижасида турли ҳажмдаги учириндиларни олишда ҳам кенг миқёсда фойдаланганлар. Шелль ва Ашелль даврида пайдо бўлган меҳнат қуролларини қўл чопқилари дейишларига сабаб ана шу меҳнат қуролларини бир томони бодомникига ўхшаб, тўмтоқ аммо қўл билан ушлаш учун қулай бўлган. Иккинчи, қарама-қарши томони эса, ўткир учли бўлиб, бу томони кесинч, чопиш, ковлаш каби вазифаларни бажарган. Бу меҳнат қуроллардан кундалик ишларини бажарилишида, одамнинг қўли даста ролини ҳам бажарган.

Шунинг учун ҳам археологлар уларни қўл чопқилари деб аташган. Бу қўл чопқиларининг пайдо бўлиши 800 минг йил билан белгиланган бўлса-да, уларни бир миллион йил деб фанга киритилишининг сабаби, яна булардан кўра қадимийроқ даврга эга бўлган ёдгорлик топилиб қолиши мумкин, деган мулоҳаза бўлган. Бундай хулосаларга келинган ўша даврда ҳам Африка қитъаси мукаммал даражада ўрганилмаган эди. Шунинг учун ҳам бутун ер шарида инсон тарихи бир миллион йил билан белгиланган эди. Аммо, сўнгги йиллардаги англияли археолог олимлар томонидан Африка қитъасини аниқроғи, Эфиопия мамлакатининг Вест-Гона ёдгорлигини ўрганилиши бу макон ар-

хантропларининг суяк қолдиқлари ҳамда меҳнат қуроллари тарихини яъни, инсон тарихини уч миллион йил билан белгилади. Бизнинг Ўрта Осиё ҳудудимизда Тешиктош Ғоридан сўнг узоқ йиллар давомида ундан кўра қадимийроқ археологик ёдгорлик топилмагани туфайли инсон тарихи 80-100 минг йилдан нарига ўтмай қолаверди. Аммо Тешиктош Ғори топилганидан сўнг 50 йил ўтгандан сўнг Ў.Исломов томонидан Селунгур Ғорини мукамал даражада ўрганилиши нафақат Ўзбекистонимиз, балки бутун Ўрта Осиё халқлари учун жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу регионда инсон тарихи 80-100 минг йилдан 1-1,2 миллионга узайтирилди. Тешиктош ғоридан кўра, қадимийроқ ёдгорликни узоқ йиллар давомида топилмагани сабабли, Ўрта Осиёдаги мустъе даври одамларини келиб чиқишларини кўпроқ Олд Осиёга боғловчилар пайдо бўла бошлади. Бу борада шуни алоҳида таъхкидлаш жонзки, тадқиқотчиларнинг кўпчилиги, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудида археологик ишларни олиб борган рус археологлари ҳар қандай маданиятни ўрганар эканлар, албатта уни узлуксиз равишда ривожланиб боришига шубҳа билан қараб, у ёки, бу маданиятни четдан кўпинча Олд Осиёдан келишганини исботлашга уринадилар. Ў.Исломовнинг 1980 йилдан 1988 йилгача Селунгур Ғоридан олиб борган археологик ишларини энг қимматли томонларидан бири шундаки, ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб келаётган халқларимиз тарихни қадимий илдизларини умумийлигини, узлуксиз равишда тараққий этиб келганлар, Тешиктош одамлари Олд Осиёдан келиб қолган келгиндиларнинг авлодлари эмаслигини балки, азалдан шу Ўрта Осиё регионидан пайдо бўлган архантроплар, аниқроғи, Фергантроплар авлодлари эканликларини археологик ашёлар асосида исботлаб берилиши бўлди.

Селунгур ғори Фарғона шаҳридан тахминан жануби-ғарбда ҳайдарконининг ғарбий чеккасида жойлашган бўлиб, бу улкан ғорнинг ичкари томон узунлиги 120 , энининг кенлиги 34, баландлиги эса 25 метрни ташкил этиди. Ғарбда Ў.Исломов томонидан ўртача қалинликлари 20-40 см дан иборат 5 та маданий қатламлар аниқланган. Бу 5 та маданий қатламларнинг ҳар бири биронта ҳам археологик топилмага эга бўлмаган тоза табиий қатламлар билан ажратилган ҳолда сақланган.

Бу табиий қатламларнинг қалинлиги 30 см дан 1 метргача бўлиб, ўртача қалинлиги 60-70 смни ташкил қилади. Демак мазкур ғордан ажодларимиз ўз маконларини 5 мартаба узоқ вақт

мобайнида тарк этиб яшаганлар. Бундай фикрни тўғри эканлигини ғордаги 5 та маданий қатлам билан бирга 5 та табиий қатламларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан тасдиқлайди. Бу маданий қатламлардан топилган тошдан ясалган меҳнат қуролилари: қўл чопқиси, тўмтоқ болталар, пичоқсимон қурооллар, кўплаб тишли қурооллар, қуш тумшугига ўхшаш қурооллар қазиб олинди.

Буларнинг барчаси табиий жинс парчалари ва синиқлардан тайёрланганликлари аниқланди. Селунгур топилмалари орасида ўша замон ҳайвонларининг суяк қолдиқларини аниққаса одам архантроп қолдиқларининг бюой коллекциясини топиллиши бу ёдгорликнинг янада қимматини оширди.

Чунки бундай ҳолат Ўрта Осиё ҳудудида кузатилмаган янгилликлардан бири ҳисобланади. Селунгурнинг 5 - қатламида топилган қўл чопқиси, бошқалари орасида ўзига хос хусусиятлари, яъни айнан Ашелль қўл чопқиларини ёрқин ифодаловчи томонлари билан ажралиб туради. Бу қўл чопқиси қизил яшма тошдан тайёрланган бўлиб, унинг ён томонларидан отбойниклар ёрдамида бир неча учириндиларни уриб учириб ишлов берилган. Натижада бу меҳнат қуроли ўзининг ён томонларида нисбатан йирик учириндиларни учириб олинганлигидан далолат берувчи изларни қолдирган.

Майда учириндиларни излари кўринмайди. Бу хилдаги қўл чопқиларни ташқи кўринишидаги ўзига хос хусусиятлари шундаки, уларга ҳар иккала юзаси томонидан ишлов берилмай балки, фақат бир томондан ишлов берилган. Бу хилдаги қўл чопқилари ҳар икки томонидан ишлов берилган. Қўл чопқиларига нисбатан, анча қадимий ҳисобланади. Шунини айтиш керакки, бу хилдаги меҳнат қуроолларини 1960-1970 йилларига қадар Шелль даврининг қўл чопқилари, икки томонлама ишлов берилиб анча ихчамлашганларини эса Ашелль даврининг қўл чопқилари дейилар эди. Сўнгги йилларда Олдувай даври ёдгорликларининг кўплаб топилганлиги натижасида археолог олимлар уларни Шелль ва Ашелль даврларига ажратмай, энди Олдувай ва Ашелль даврига ажратадиган бўлдилар. Селунгурнинг 5 та қатламидан топилган, бу қўл чопқиси Ашелль даврига мансуб бўлиб унинг шакли найзасимондир.

Бу меҳнат қуроли Ўрта Осиё ҳудудида топилган биринчи ва энг қадимий илк аждодларимизнинг илк бор ишлатган ҳақиқий қўл чопқисидир.

Археология фани учун жуда ноёб бўлган бошқа бир тош

қурул Селунгурнинг 4 қатламыдан топилган оғир ва тўмтоқ тош болтадир. Унинг ясаиш техникаси анча примитив бўлишига қарамай унга ишлов берилиши нияҳоясига етган меҳнат қурулларидан ҳисобланади. Унга отбойник ёрдамида ишлов берилган ишчи қисмида учириндилардан қолган излар яққол кўзга ташланиб туради. Бу меҳнат қурулининг пастки қисмига ишлов берилмаган бўлса-да, унинг бир қанча кемтиклари бўлиб бу унинг ажодларимиз томонидан узоқ вақт мобайнида ишлатилганидан далолат беради. Шундай қилиб, Селунгур фор манзилгоҳини тош қуруллари ҳақида хулоса қилиб, шуни айтиш керакки, бу ёдгорликнинг маданий қатламларида қўл чопқилари, қадимий тош тешалар ҳамда қайроқ тошлардан бир томони уриб учирилиб маҳсус ясалган ва ишлатилган чопперлар биргаликда учрайди. Демак буларнинг барчаси бир вақтда ўзида яъни параллел равишда ишлатилганлар.

Таниқли Француз археолог олими Ф.Борднинг фикрича, ҳинд субконтиненти ҳамда яқин Шарқда тарқалган жанубий Ашелль қадимий археологик полиолит маданиятидир.

Шуни айтиш жоизки, шу вақтга қадар Марказий Осиё ҳудудида Ашеллнинг фақат шимолий турларигина учраб келган

Селунгурнинг топилмалари эса, Ашеллнинг жанубий турига мансуб бўлган илк ёдгорликлар турига киради. Шунинг учун ҳам Селунгур ноёб ёдгорликлар қаторидан жой олади. Фарбий Германиянинг Кельн шаҳрида яшовчи археолог олим, профессор Басинскийнинг фикрича Селунгур типидagi археологик ёдгорликларининг ёши Германияда 800 минг йил билан белгиланади. Селунгур форидagi маданий қатламлардан жами 5 мингдан зиёд суяк қолдиқлари топилган. Энг муҳими иккинчи маданий қатламдан одам бош суяги энгак қисмини бир бўлаги ҳамда тўртта тиши топилган. Учинчи маданий қатламдан эса, якка ҳолда 10 та тиш ва одам елка суягининг бир бўлаги топилган.

Атрополог олимларимизни бу қадимий одам суякларини ўрганилиши, буларни барчасини архантропларга яъни, ашелль одамларига тегишли эканлигини кўрсатади. Бу суяк қолдиқларини энгак бўлаги ҳамда бош суяги косасининг бўлақлари ҳозирги кунгача ўрганилиб келинмоқда. Ҳозиргача булар ҳақида охириги хулосаларга келингани йўқ. Ўйлаймизки, бу топилмаларни антропологларимиз томонидан ҳозирги фан ютуқлари асосида ўрганилишининг якуни бу архантропларни тараққиёт

босқичида қандай ўрин тутилиши ҳақида охириги фикрни айтилишига имкон беради. Бу ерда топилган тишлар тўртта шахсга мансублиги аниқланган. Шулардан бири пастки тиш бўлиб, 40 ёшлардаги аёлики бўлган деган фикрга келинмоқда. Учта пастки тиш учинчи шахсга тегишлидир. Ҳарактерлиси шундаки, топилган мазкур тишларнинг биронтасида (кариес) тишни чириш ҳам аломатлари бўлмаган. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки. бошқа фанлар қатори антропология фани ҳам шу даражада ривожланиш чўққисига кўтарилганки, ҳозирги антропологлар энг қадимги одамларнинг суяк қолдиқларига қараб у ёки бу суяк қолдиғини эгаси неча ёшда бўлганлиги, жинси аёл бўлса фақат унинг бўйи - баста ҳақида эмас балки унинг неча туққанлигигача маълумот бера олади.

Тишлар тузилишининг таҳлили Селунгур топилмаларининг бошқа қазилма одамлари билан муносабатларининг аниқ ҳамда ишончли бўлган манзарасини намойиш этади.

Селунгур топилмасини қадимги одам тури вакиллари билан қиёслаш натижасида шу нарса маълум бўлдики, Селунгурдаги топилма полеантроп ҳамда архантроплар ўртасидаги оралиқ ҳолатини эгаллаб, бундан тараққиётнинг умумий йўналишидан анча четга чиққан. Олимларнинг фикрларига кўра бу архаик тузилишнинг сақланиши селунгурликларни дағал ўсимлик озуқасига тор миқёсида одатланганликлари билан боғлиқлигидир.

Селунгур одамнинг ўзига хос ҳолати антрополог А Зубовнинг фикрича, оралиқ ҳолати бўлиб, у архантропдан ҳозирги одамгача бўлган тадрижий тараққиёт йўлида турмай чамаси архантропнинг ихтисослашган маҳаллий туридирки, у бир томондан гоят кўҳна хусусиятларини, иккинчи томондан эса ўзига хос тарихий ривожланиш йўлидан бирмунча илгарилаган. Мавжудларнинг айрим хусусиятларини ўзида сақлаб қолган Селунгур топилмалари архантропларнинг тарқалиш кўлами нечоғлик кенглигини ва унинг маҳаллий турлари нақадар кўплигини яна бир бор намойиш этади. Селунгур топилмалари асосида вужудга келадиган яна бир муҳим хулоса шуки, архантроплар

(ғарбий ва шарқий) шоҳобчаларнинг тарқалиш маконлари ўртасидаги географик узилиш аввал тахмин қилинганидек етарли катта эмас экан.

Бироқ, археологик ашёлар таҳлилидан келиб чиқиб шуни

айтиш мумкинки, полеотропларнинг бу тури осиелик Хомо Сапинес ҳозирги ақлли одамнинг аجدодларидан бири бўлиши мумкин дейишга имкон беради. Селунгурдан топилган одам суякларининг қолдиқларидан бири 10 яшар болага тааллуқли бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганилиши ва Тешиктош ғорини 8 яшар неондертал боланинг суяк қолдиқлари билан қиёсланиши Селунгур боласининг суяк қолдиқлари анчагина қадимий эканлигини кўрсатди.

Ҳозирги қадар Селунгур ғорининг маданий қатламларидан 32 турида сут эмизувчи ҳайвонларга тааллуқли 5 мингдан ортиқроқ суяк қолдиқлари аниқланиб тадқиқ этилди. Ҳайвонот қолдиқларини илмий тадқиқ этилиши асосида Селунгур ҳайвонот комплексини ажратишга муваффақ бўлинди. Бу комплекс морфологик белгилари ҳамда архаиклиги (моддий ва қадимийлиги) бўйича илк плейстоцен даври охирларига мансуб деган фикрда миз. Селунгур комплексини илк плейстоценнинг биринчи ярмига мансуб бўлган Қозоғистондаги Қўшқўрғон комплекси билан қиёслаш мумкин. Ана шу ҳайвонот қолдиқлари орасида йиртқич туюқли ва кемирувчи ҳайвонларнинг турлари устунлик қилади. Булардан дашт ва очиқ ландшафтли ерларидаги турлари кўпчиликини ташкил қилади. Ғор айиғи, бўри, ғор арслони, гиёнаси, каркидони, буғилари, отлари, плейстоцен эшаги, тўнғиз ҳар турли кемирувчиларнинг қолдиқларини мавжудлиги иссиқ ва қуруқ иқлим бўлганлигидан далолат беради. Бинобарин дашт, чала дашт мавжуд бўлган қадимий дарёлар ўзани ҳамда тоғ ёнбағирлари бўйлаб бута ва ўрмон ўсимликлари барқ уриб ўсган. Юқоридагилардан баён қилинганлигидан кўриниб турибдики, Селунгур манзилгоҳининг ҳайвон суяклари хронологик жиҳатдан илк плейстоцен даврига тўғри келади. Селунгур ғоридан топилган барча топилмаларни мукамал ўрганиш мақсадида имконимиз қадар барча мутахассисликларни жалб қилишга ҳаракат қилдик. Бу борада тупроқшунослик ва агрохимия институтининг ходимлари органик моддаларни тадқиқ қилиш асосида қилинган хулосалари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг Селунгурнинг бешта маданий қатламини ўрганишларининг натижалари ҳам бу қатламни ёшини бир миллион йил билан белгилашга олиб келди.

Шуни айтиш жоизки, Селунгур материалларини нафақат археологик жиҳатдан балки, фойдаси тегиши мумкин бўлган, барча соҳадаги мутахассис олимларимизни ўрганишга жалб қил-

моқдамиз. Натижада қўлимизда анча қимматли хулосалар тўпланди. Аммо шунга қарамай, бу ёдгорликларни нафақат бизнинг Ўзбекистонимиз, балки Ўрта Осиёдаги барча ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам ниҳоятда ноёблигини ҳисобга олиб, унинг бой материалларини анализлари ўзимиздан ташқари чет эл лабораторияларида ҳам ривожлантирганмиз. Бундай ишлар ҳозир ҳам олиб борилмоқда. Яқинда Пекин дорилфунунининг профессори Чен Тилек бизга мактаб йўллаб Селунгур материалларини ўрганишда ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Селунгур материалларини тадқиқот натижаларини олганимиздан сўнггина биз ёдгорликнинг мутлоқ ёши ҳақида ўз фикримизни қатъий тарзда айтишимиз мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда фақат шундай фикр юритиш жоизки, Ўрта Осиё территорияси илк плесцен даврида ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган. Агар буни рақамларга айлантирадиган бўлсак бу бизни аجدодларимиз тарихини бир миллион йил билан белгилайди.

Америкалик машҳур мутахассис Ричард Девис Самарқандда Селунгур коллекциялари билан танишиб чиқиб, мазкур ёдгорлик санаси ҳақида у ҳам шундай хулосага келди. Ҳозирги даврга келиб, Жанубий Фарғона воҳаси учун катта миқдорда полеоботаника соҳасидаги материалларнинг анализи старли даражада тўпланиб, улар илк антропоген ҳақида мукамал маълумотларни бермоқда. Масалан: тарихий географик геология тарихи, ландшафтларни ўзгартириш жараёнлари ва тарихий даврлашни шу йиғилган материаллар асосида тадқиқот қилиб, бутун тарихий жараён ёритиб бермоқда. Селунгур манзилгоҳидаги комплекс тадқиқотлар шу ёдгорликдаги қатламларда ўсимликларни учламчи флорини Тургай типига оидлигини исботлади. Бу эса ўз навбатида манзилгоҳнинг маданий қатламлари қадимда пайдо бўлиб, бундан 1 миллион 200 минг йил аввалги давр билан белгиланади деган маълумотни беради.

Бундан ташқари, хронологик белгиларни аниқлаш мақсадида полезоологик изланишлар натижаси асос қилиб олинди. Селунгур манзилгоҳидан топилган ҳайвон суяқларини тадқиқоти натижасида 31 Олой треокомплекси турлари белгиланди. Натижада бу ҳайвонлар турлари плейстоцендан плейстоценга ўтиш давридаги ҳайвон турлари бўлиб чиқди.

Шу тадқиқот натижасида қадимги давр табиий шароити-

ни, оби-ҳавосини хронологик даврини аниқлашга эришилди.

Бу хронологик даврлашишга геологик тадқиқот ҳам жуда зарур эди. Шунинг учун ҳам бор қатламлар таркибини қандай пайдо бўлганини, тектоник структурасини ўрганиб қатор кимёвий анализлар ўтказдик.

Улар геохимик, гронуломотрик, пидологик анализлар бўлиб, Селунгур манзилгоҳи юқорида плиоцент даврига оидлигини исбот қилиб берди. Шу қилинган тадқиқотлар натижаси ўлароқ ва топилган тош қуруллар билан таққослаш натижасида Селунгур манзилгоҳини ёши 1 миллион 200 минг йил билан белгилашга асосимиз бор дейиш имконига эга бўлдик.

Юқорида баён қилинган маълумотларимиз асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Нафақат бизнинг Ўзбекистонимиз, балки бутун Ўрта Осиёдаги аجدодларимизнинг илк тарихи 1938 йилда А.П.Окладников томонидан топилган, неондертал одамларнинг макони бўлган Тешиктош ғоридан, яъни мустье давридан бошланмайди, балки Фарғона водийсида жойлашган ва қуйи полеолит даврига мансуб бўлган Фергантропларнинг макони Селунгур ғоридан бошланади. Демак, илк тарихимизни тамал тошлари илк бор аждодларимиз томонидан Селунгур ғорида қўйилган бўлиб унинг ёши XX асрнинг биринчи ярмида айтилганидек 80-100 минг йил билан эмас, балки, 10 каррадан аниқроғи 1 миллион 200 минг йил билан белгиланади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг илк тарихимиз полеантроплар даврида эмас балки, илк бор Селунгур ғорида пайдо бўлган архантроплардан бошланади.

2. Ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг аждодлари Олд Осиёдан келиб ўрнашиб қолганлар ва сўнг мустье даври маданиятини яратганлар деган айрим одамларнинг фикрлари мутлақо нотўғри, ғайри илмийдир. Ўрта Осиё халқларининг аждодлари, илк бор Фарғона водийсида пайдо бўлган ва азалдан уларнинг авлодлари узлуксиз равишда яшаб келмоқда. Бу борада бошқача фикрнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки юқорида баён қилганимиздек, Селунгур, Тешиктош, Самарқанд макони каби ёдгорликларни рад этиб бўлмас даражада берган маълумотлари бизнинг фикримизни тўла тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар


1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон 1995.
2. Гремяцкий М.Д. Череп ребенка неондертальца из грота Тешикташ. М.: Наука 1981. С.174.
3. Дебец. Г.Ф. О положении полеолотического ребенка из пещеры Тешиташ в системе ископаемых форм человека М. Изд МГУ. 1947.
4. Алексеев В.А., Першиц А.И. История первобытного общества. Высшая школа. 1990.
5. Исламов Ў.И., Крахмаль К.А. Полезкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии Тошкент: Фан 1995.
6. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Тошкент: Ўқитувчи. 1990.
7. Окладников А.П. Мустьерская стоянка в городе Тешикташ в Узбекистане. Вып 2. 1939.
8. Ларичев. В.Е., Окладников. А.П. Исследователь древних культур в Азии. Иркутск. 1958.
9. Семенов. С.А. Первобытная техника. 1957.
10. Природа в древний человек. Составитель Г.И.Лазунов М.: Мысл. 1981.

ҚАДИМГИҚУВА (ҚУБО)

Ҳозирги Қува шаҳри марказида маҳаллий аҳоли «Шахристон» деб атайдиган ва бир неча гектар майдонни эгаллаган тепаликлар ястаниб ётади (1 - расм). Хўш бу тепаликлар ҳақида ни-

малар биламиз? Улар ўз бағрида минг йиллик тарихимиз саҳифаларини яшириб ётибди.

Қува, ўрта аср манбаларида эса Қубо, маълумотларга кўра 12 гектар майдонни эгаллайди. Уни археологик ўрганишда Б.А.Латинин, В.Д.Жуков, А.Н.Бернштам, В.А.Булатова, И.Ахроров ва Ю.А.Заднепровскийларнинг хизматлари каттадир. Улар ёдгорликни ўлчаш, тархини чизиш ва маданий қатламларни тадқиқ этишда биринчи археолог олимлар ҳисобланадилар. Айниқса, Ю.А.Заднепровский



1 - расм

Қува (Қубо) ёдгорлигининг 1998 йилги қозишмалар режаси

кий дастлабки ўрганиш натижасида Қубо (Қува) энг қуйи қатламлари милодий I-III асрларга оиддир деган фикрни билдиради, бу ҳозирча ўз кучини йўқотгани йўқ.

Қува шаҳри ҳаробасини мунтазам ўрганиш 1956 йилдан бошланди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти Қува шаҳристонини ва аркида иш бошлади. Бу ишларда академик Я.Фулмонов раҳбарлигида археологлардан М.Аминжонова, И.Ахроров, В.А.Булатова, В.Д.Жуков, Х.Муҳаммедов, А.Р.Муҳаммаджоновлар фаол қатнашди-

лар. Шаҳристондаги шимоли-ғарбий кузатув минораси, мудофаа деворига яқин шаҳар даҳалари (кварталлари) қисман ковлаб очиб ўрганилди. Академик Я.Фуломов режасига кўра, Қува шаҳар харобаси қисмларга бўлиниб, чуқур таҳлил билан ўрганилиши керак эди. Яъни мудофаа деворини Х.Муҳаммедов, маданий қатламлар ва уларни даврийлаштириш И.Аҳроров, аркни В.А.Булатова, Д.П.Вархотова ёки бўлмаса сополларни ва шиша идишларни алоҳида тадқиқ этилиши керак эди. Жуда катта қазишма ишлари олиб борилди-ку, лекин афсус, бу бошланган эзгу ишлар ниҳоясига етмай қолди. Минглаб топилмалар ҳали ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Албатта, В.А.Булатовани Қува будда ибодатхонаси ва унинг яқинидаги тураржойларга бағишланган китобчаси бундан мустаснодир. Хуллас, 1970 йилларгача Қувада археологик қазишмалар ўтказилди, ammo унинг илмий натижалари тадқиқотчиларни қониқтирмас эди.

1990 йилдан сўнг Қувага эътибор янада кучайди. Бунинг бир неча сабаби бор эди. Биринчидан, кўҳна қувачалик катта ва яхши сақланган ёдгорлик Фарғона водийсида бармоқ билан санарли. Булар Ахсикат, Мунчоқтепа (Поп тумани), Далварзинтепа ва Мингтепа (Андижон вилояти) каби ёдгорликларидир. Улардан Марҳаматдаги Мингтепадан афсус мудофаа деворлари қолди, халос. Иккинчидан, Қува ёзма манбалар бўйича ҳам, географик жойлашуви билан ҳам Буюк Ипак йўлининг энг серқатнов жойида ўрнашган эди. У сўзсиз ғарбдан шарққа, кунчиқардан кунботарга ўтган қитъалараро савдо йўли тарихида алоҳида роль ўйнаган эди. Учинчидан, водий бошқа шаҳарларидан фарқли ўлароқ энг қадимги маданий қатламлар салмоғи Қувада яхши сақланиб қолган эди. Булар барчаси Қува шаҳар харобасини нафақат жанубий Фарғона балки бутун водий қадим тарихини ўрганиш учун муҳим манба бўлишидан далолат берар эди. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФА Археология институти 1996-1999 йилларда махсус гуруҳни Қувада ишлашга имкон яратди. Ҳозирда бу ёдгорлик институтнинг Афросиёб, Жарқўтон, Ахсикат каби мунтазам ишлайдиган археологик базасига айлантирилди.

Ҳозирги кунда бутун эл назари тушган Қува шаҳар харобаси ҳақида нималар аниқланган? Бу шаҳар қиёфаси археология ва тарихий маълумотларга кўра қандай бўлган? Бу саволлар ҳозир кўпчиликни қизиқтирмоқда. Шулардан келиб чиқиб, бизлар қуй-

ида кўҳна шаҳар харобаси ҳақида археологик ва ёзма манбалар асосида фикр юритамиз.

Қува номи ҳақида. Аввало, шуни айтиш керакки, Қува-Қубо номининг келиб чиқиши ҳақида олимлар ўртасида бирор тўхтамга келингани йўқ. Қува атамасини бир гуруҳ тадқиқотчилар «куччи», «кенг шаҳар» деб қараса, бошқалари ўзбек уруғларидан бири «қуба», арабчадаги «қубба» ёки Алон Қува афсонаси билан боғлашади. Уларнинг ҳар бирида маълум ҳақиқат бор. Туркий халқлардан бири сағайларда Қуба худоси бўлган. Унга маълум вақтларда самовий отларни қурбонлик қилганлар. Бу этнографик маълумотнинг Қува учун, оз бўлса-да тегишли томони мавжуд. Сабаб, биринчидан номида ўхшашлик бор, иккинчидан юқорида айтилганидек сағайларда Қуба худосига отларни қурбонлик қилишган. Тарихий маълумотларда қадимги Даван-Давон (Фарғона) учқур отлари ҳозирги Марҳамат, Аравон, Асака атрофларида етиштирилгани ҳақида хабарлар учрайди. Қува ҳам уларга қўшни ҳудудда жойлашган. Қолаверса, жой номлари Асака, Ахтачи отлар билан боғлиқ. Яъни, Асака отлиқ дегани, Ахтачи-бу синчи (от табиби) ёки отбоқар маъноларини беради. Яна отнинг асосий озиғи бўлмиш беда ҳам Асака, Аравон, Марҳамат, Қувада серҳосил бўлган. Асримизнинг ҳатто 20-30 - йилларида водийда отларнинг ярми мана шу туманларда етиштирилган. Шулардан келиб чиқиб, биз Қубо (Қува) номи ана шу «Қуба» илоҳи билан боғлиқ бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Демак, бу маълумотлардан ҳушёр бўлиб, эҳтиёткорлик билан фойдаланишимиз керак. Ҳозирги кунда эса Кай Қубод номи берилган кўча, дўконлар аталишини қайта кўриб чиқиш жуда зарур, деб ўйлаймиз.

Шаҳарнинг энг қадимги даври. Бу даврда Қува шаҳри ҳақида ҳали кўп маълумотларга эга эмасмиз. Сабаби энг кўҳна қурилиш қолдиқлари, маданий қатламлар жуда қалин бўлган кейинги даврдаги қолдиқлар остида босилиб ётибди. Баъзи жойларда улар 5-6 ҳатто 8 метр чуқурликда топилади. Қолаверса, энг дастлабки даврга оид маданий қатламлар арк ва шаҳристон ҳамма жойда ҳам учравермайди. V-VI асрларга оид мудофаа деворлари остидан И.Аҳроров, В.А.Булатовалар томонидан милодий I-III асрларига оид топилмалар аниқланган (2 - расм). Худди шундай, балким бир оз олдинги вақтга яъни милод-



2 - расм
Милодимиз бошларига оид
кўза

дан илгариги V-IV асрларга тўғри келадиган топилмалар шаҳристоннинг жанубий девори остидан, шаҳристон юқорисидан ҳисоблаганда 8,20 м. чуқурликдан аниқланди. Буларга кулолчилик чархисиз қўлда ясалган, остки қисми юмалоқ идишлар ёки юпқа, устки қисми силлиқланган кулолчилик чархида қилинган идишлар киради. Улар сиртига бўёқ берилган ва бўёқли геометрик нақш солинган. Бу топилмалар кўҳна Қува шаҳристони остида милоддан аввалги V-IV асрларда, эҳтимол ундан ҳам олдин аҳоли яшаш пункти бўлганлигини билдиради.

Қува ҳақида тарихий ва археологик манбалар. Қува (Қубо) номи биринчи марта VIII асрнинг биринчи ярмидаги ёзма манбада сиёсий воқеаларнинг тафсилоти баёни муносабати билан тилга олинади. Яъни араб тарихчиси ат-Табарийнинг (839-923) хабар беришича, халифаликнинг Хуросондаги ноиб Наср ибн Саййор Шош (Тошкент)да ўз ғанимларини енгиб битим тузгандан сўнг 738-739 йиллари Фарғона томон биринчи юриш қилади. Бу босқинчилик юриши пайтида араб лашкарбошиси катта қийинчиликларга дуч келади. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, Қува шаҳри аҳолиси уларга кескин қаршилик кўрсатади. Ҳатто қуваликлар босқинчилар қўлига тушмасин деб озиқ-овқатларни яшириб, ем-ҳашакни ёқиб юборадилар. Шунга қарамай, Фарғона тахт вори-си ва Наср ибн Саййор қўшини ўртасида Қубо (Қува) шаҳри яқинида бир неча марта тўқнашув бўлади. Толиққан фарғоналикларга сулк таклиф этилади. Унга кўра, Фарғона арабларга ҳар йили 600 кг. дан зиёд кумуш ва минглаб қуллар етказиб бериши керак эди. Фарғонага Муҳаммад ибн Халид ал-Аздий ноиб этиб тайинланади. Бу тарихий хабардан икки нарсани англаб олиш мумкин. Биринчидан, водий жанубидаги Қува араблар ҳисоблашиши керак бўлган, катта ва муҳим шаҳар эди. Иккинчидан, Фарғона тахт

ворисининг бу ерда бўлиши ва араблар билан айнан Қува атрофида жанглар қилиши уни пойтахт мақомига эга бўлганини кўрсатади. Бу фикрни тангашуносларнинг VIII аср бошларидаёқ Қува пул зарбхонаси бўлган деган қарашлари ҳам тасдиқлайди. Чунки ҳозиргача топилган бир талай илк турк тангалари, гарчи уларда қарда зарб қилингани ҳақида маълумот битилган бўлмаса-да, Қува билан боғланади. Сабаби, тангаларнинг кўплари Қувадан топилган ва бу шаҳар иқтисодий жиҳатдан водийнинг йирик шаҳарларидан бири эди. Қолаверса, Қува зарбхонаси X асрдан эътиборан маълум. Буларнинг барчаси VII-VIII асрлардаги илк танга пуллар Қувада зарб қилинган дейишига асос бўлади. Бу даврда шаҳар даҳалар (кварталлар) га бўлинган ва ҳар бир даҳада умумий одамлар йиғиладиган майдон ва диний маросимлар учун махсус хоналар мавжуд эди. Арк ва шаҳристон V-VII асрларда махсус мудофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Бизнингча, ҳокимни (подшо) шаҳар ичидаги саройи (арк) ҳам илк ўрта асрларда шакллантирилган бўлиши керак. Шаҳристон ҳам ҳозирги сақланиб қолган деворлар ўрами ичида шаклланиб бўлган бўлиши керак.

X асрдан бошлаб Қува тўғрисида талай маълумотлар учрайди (манбаларда Қубо шаклида тилга олинган). Улар, асосан, араб манбалари ва Қува танга-чақаларидир. Араб ёзма манбалари умуман шаҳар ҳақида (тузилиши, таърифи), танга пуллар эса шаҳардаги сиёсий ҳаёт, пул-товар муносабатлари тўғрисида маълумот беради. Жумладан, ал-Муқаддасий, Ибн Хавқал, ал-Истаҳри каби ўрта аср географлари асарларида маълумотлар учрайди. Уларнинг маълумотларига кўра, Қува уч қисмдан иборат бўлган. Яъни арк-ҳоким қароргоҳи, шаҳристон - ички шаҳар, асосий аҳоли яшайдиган ва тирикчилик қиладиган жой ва рабод-ташқи шаҳар, савдо-ҳунармандчилик қисми ва боғ-роғлар жойлашган қисм. Бизлар қуйида ўрта асрлар шаҳарини ҳар бир қисмига ёзма ва археологик манбалар асосида алоҳида тўхталиб ўтамыз.

1. Арк. Қува Арки ёдгорликнинг шимоли шарқ томонида жойлашган бўлиб, унинг шимол ва шарқ томонлари бузилиб кетган, майдони 2,7 гектарга боради. Арк қурила бошланган давр ҳозир аниқ эмас, лекин қуйи қатламлардан милoddан олдинги II-I асрларга доир материаллар топилгани аркни шу вақтда қурилган дейишга асос бўлади. Яъни ҳозирги арк ўрни шаҳар илк тарихи билан боғ-

лик, маданий қатламлар устига қурилган бўлиши керак. Арки аъло шаҳарнинг бошқа томонларидан ўз баландлиги билан яққол ажралиб туради, ҳамда Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги арklar каби Қувада ҳам муҳташам, улуғвор бинолар бўлганидан далолат беради. Бу ҳақда ҳатто ёзма манбаларда ҳам маълумотлар бор. Жумладан, ал-Истаҳрий бузилган арк ва ундаги жоме масжиди ҳақида ёзади. Қува (Қубо)ни ўрта асрлардаги масжиди масаласи ҳам ечилмаган. Тўғри, биздан олдинги археологлар арқда иш олиб борганда масжид қолдиқлари ҳақида эслаб ўтадилар. Лекин унинг режаси, ундаги топилмалар ҳақида лом-лим демайдилар. Қолаверса ал-Муқаддисий шаҳар масжиди унинг марказий қисмидаги бозор ён атрофида бўлган деб эътироф этган. Бу ерда савол туғилади. Арк ва шаҳристонда иккита масжид бўлганми? Ал-Истаҳрий айтгандек, арқдаги масжид бузилиб кетгач, иккинчиси қурилганми? Бирор фикр дейиш қийин. Қубо арки ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, у X асрга келиб ўз вазифасини бажармай қўйган ва юқориде айтганимиздек, фақат унда жоме масжиди қолган холос. Шаҳарнинг асосий маркази рабодга кўчган. Бу масалани яна бир томони ҳам бор, яъни маълум бир вақт арк шаҳристоннинг бошқа жойига кўчган, эҳтимол биз уни аниқлай олганимиз йўқдир. Буни В.А.Булатова ҳам эслатиб ўтади. Демак, аркнинг шаҳристон билан туташ деворлари XI аср бошларида бузилиб улар бирлашиб кетдилар. Арк агар узоқдан қаралса, икки бўлакка бўлинганга ўхшаб кўринади. Яъни баланд қисми ва пастроқда қуйи (ҳозирги қабристон ўрни) иккинчи қисми жойлашган. Баландда бирор катта бино қолдиғи бор деб тахмин қилинади. Қолаверса арк остки қисмида қазиш ишлари ўтказиш қабристон бўлгани учун мушкуллашади. Айнан шу жойнинг жанубидан шаҳар дарвозаси, жануби-ғарбидан арк дарвозаси бўлган деб тахмин қилинади.


2. Шаҳристон. Унинг майдони арки-аъло билан бирга 12 гектар деб аниқланган. Шаҳристон ёки ички шаҳар тўрт томонидан кучли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ана шу мустаҳкам қалъа-қўрғонда шаҳристон аҳолиси анча зич яшаганлар, бу жараён бошқа ўрта аср шаҳарларидаги кузатишларга кўра IX асрга қадар давом этади. Бу бир томондан хавфсизлик учун қулай эди, яъни яроқсиз бўлиб қолган деворларни кўпчилик бўлиб таъмир этиш осон эди. Иккинчи томондан ҳаётий зарур нарсалар бир жойда жамланган эди. Шаҳристондаги тиқилинч ҳудудда уй-жой ва кўчалар унчалик катта бўлмаган.

Қубо шаҳристонида аҳоли даҳаларга (кварталлар) ва улар ўз навбатида уй хўжаликларга бўлинган. Унинг маълум қисмларида ўзига хос ҳунармандчилик марказлари бўлган. Шарқий томонда шиша ишлаб чиқарувчи, ғарбий томонда симоб кўзача ишлаб чиқарувчи устахоналар бўлган.

Шаҳристонда оддий аҳоли қандай яшаган, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий, албатта. Ковлаб ўрганилган майдондаги меъморий қолдиқлар, кундалик буюмлар, қурол - аслаҳалар намуналари шаҳристон аҳолиси тор кўчалар бўйидаги уйларда истиқомат қилганлигини кўрсатмоқда.

1998 йилги қазишмалар пайтида аниқланган кўча ҳам анча тор бўлиб унинг кенглиги 2-2,5 метрга борган. Бу кўчани ковлаб 20 метрдан зиёд масофада кузатилди. Ушбу кўча археологик материаллар ва танга, чақаларга кўра XI-XII асрларга тўғри келади. Бу давр уйлари археологик кузатувларга кўра синч билан тикланган бўлиб, синч орасига ғишт ёки унча пиширилмаган лой урилган. Айрим асосий деворлар ва ўқ деворлар пахсадан тикланган. Уйлар поллари текислаб қотирилган ёки айрим ҳолларда гулдор қилиб ғишт терилган. Даҳалар алоҳида уй хўжаликлардан ташкил топган. Ҳар бир хўжаликда бир оила: эр, хотин ва болалари яшаган бўлишлари керак. Бу йилги ва олдинги қазишмаларга кўра ҳар бир хўжаликда яшаш уйи, йўлак, омборхона бўлган. Яшайдиган уйларнинг кираверишида ўнг томонида кундалик овқат тайёрлашда ишлатилган ўчоқлар топилди. Уларнинг қозон қўйиладиган жойидан бошқаси пишиқ ғишглاردан тикланган. Уйлар поли текислаб, баъзида сувалган. Ошхона ёки чўмиладиган қисмда қия қилиб шакл бериб пишиқ ғишт териб чиқилган. Марказий қазишмада 8 та хўжалик уй-жой қолдиқлари ковлаб очилди. Уларнинг биттасида, уй ёнида, нон пишириш учун ер тандир қурилган экан.

Биз юқорида таҳлил этган уй-жойлар XI-XII асрларга тааллуқли бўлиб, шаҳристоннинг ўргаларида жанубий девордан 30 метрдан зиёд шимолроқда 400 кв. метрдан кўпроқ майдонда ковлаб очиб ўрганилди. Табиий, савол туғилади, шаҳристонда ундан олдинроқ хусусан VIII-IX асрларда, уй-жойлар қандай бўлган? Бу муаммо бизларни ҳам узоқ ўйлангирди ва ниҳоят 1998 йилги қазишмалар пайтида унга ишончли жавоб топдик. Бу давр моддий маданият қолдиқлари ҳозирги кунда Қубо шаҳристонида 700 кв. метр майдонда аниқланди. Уй-жойлар қурилиши ва таркиби кейинги (X-XII асрлар) даврдан фарқ



3-расм
*Илк ўрта асрларга оид жамоа
тўпланадиган зал*



4-расм
Илк ўрта асрлар ёғлоғи идиши (кружка)

қилар экан. Ҳозир бу ердан марказий зал ва унга туташ ёрдамчи хоналардан иборат иккита уй хўжалиги қазиб очилди. Марказий зал (3 - расм) ўлчамлари 6,30х7,30 метр тўрт томонидан ўтириш учун супа қилинган, супа фақат чиқишда - эшик олдида йўқ. Зал ўртасида махсус олов сақланган ўчоқ топилди. Залга кириш махсус коридор (йўлак) орқали кўш эшикдан бўлган. Залнинг ғарб томонида яна бир эшик бўлиб, у омборхона - хумхонага олиб чиққан. Омборхонада дон-дун, ичимлик ва мева-чева сақланган бўлиши керак. Залнинг тўрт бурчагида катта устунларнинг куйиб кетган ости қисми яққол кўриниб турирди. Умуман, зал ва унга туташ хона-


ларда кучли ёнғин бўлгани кўринади. Ёнғин шунчалик кучли бўлганки, хона деворлари қизариб кетган. Хоналарда топилган нарсалар таҳлили (4 - расм) шуни кўрсатмоқдаги, ёнғин режа асосида бўлган. Аҳоли бундан хабардор бўлган ва керакли буюмларни олиб бошқа жойда жон сақлаган кўринади. Хоналар деворлари қалинлиги 1,50 метрга боради. Пишиқ ва пухта пахсадан айрим ҳолда гишт аралаштирилиб тикланган деворлар 2 метргача баландликда сақланиб

қолган. Деворлар қалинлиги, эҳтимол, VIII-IX асрларда Қува шаҳристониде икки қаватли уйлар бўлганини билдиради. Чунки бу ҳолат бошқа Марказий Осиё шаҳарларида ҳам кузатилган. Икки қаватли уйларнинг бошқа хили бўлгани ҳам аниқ, яъни қуйи қават пухта қилиб тикланади, устига бўлса ёғочдан «болохона» тикланади. Айнан шундай уйларни ал-Муқаддасий Бухорода бўлганини қайд этади. Уй томлари энди олдинги даврларда учрайдиган кубба қилиб эмас, балки болор қўйиб текис қилиб ёпилган. Бу қурилиш усули Қувада бўлгани ҳақида ашъвий далиллар 1998 йилги қазिशмалар вақтида қўлга киритилди. Том устига қўйилган болорларнинг излари ва уларни қуйиб хона полига тушган куйиндилари юқоридаги фикримиз исботидир. Ушбу давр уй қурилишидаги яна бир янгилик бу уй хўжаликлари олдида махсус супали ҳовличаларнинг пайдо бўлишидир. Марказий қазिशмадан уйлар ташқарисида ана шундай ҳовлича аниқланди. Унинг ўлчамлари 7x10 метр бўлиб унга тор йўлак орқали чиқилган. Уй-жой қурилишида анъанавий усуллар сақланиб қолаверган. Яъни зал, ёрдамчи хоналар, йўлақлар, ўчоқ ва тандирлардан иборат бўлган. Бундай уй хўжалиқларда ҳисоб-китобларга кўра 6-8 кишидан иборат оила яшаган бўлиши керак. Аммо шаҳарнинг турли қисмларида аҳоли зичлиги ҳар хил бўлган. Ялпи қабул қилинган ҳисоб-китобларни Қува шаҳристонини ва рабодига ҳам қўллайдиган бўлсак ўрта асрлар аҳоли сони келиб чиқади. Яъни шаҳристонда бир гектарга ўртача 230-250 киши, рабодга эса шунча майдонга 50-60 киши тўғри келган. Сўнги ўрта асрларда албатта бу кўрсаткич бир оз юқори бўлган. Шулардан келиб чиқсак, 80 га Қува рабоди тахминан 4800 киши, шаҳристонда (12 га) 3000 киши истиқомат қилган. Жами Қувада X-XII асрларда 7500-8000 аҳоли яшаган. Бу маълумотлар Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги маълумотларга зид келмайди (Қаранг: Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г., 1973. С. 256-268). Лекин Фарғонада қадимдан аҳоли жуда зич яшаганини ҳисобга олиб, ўртача маълумотларнинг юқори кўрсаткичи олинди. Бундан ташқари ковлаб очилган уй хўжалиқлар сони ва хоналар майдони ҳам ҳисобга олинди. Кейинги изланишлар биз келтирган маълумотларга аниқлик киритиши табиий.


Ҳозирча ўрта асрларда шаҳарнинг сув билан қандай таъминлангани муаммо бўлиб турибди. Қадимда, албатта унга каналлар орқали сув чиқарилган. Шу билан бирга қудуқлардан ҳам кенг фойдаланилган. Бунинг тасдиғи шаҳристоннинг жануби-шарқий бурчагидан қазиб очилган қудуқдир. Қудуқ диаметри 80-85 см.

бўлиб, тик ковланиб ер ости сувларига етиб борган. Сув ва ташлама сув махсус сопол қувурлар орқали ер остидан олиб ўтилган. Бизлар олиб борган бу йилги археологик қазинмаларга кўра икки хил ҳажмли сопол қувур қолдиқлари топилди. Бу топилмалар шаҳар канализациясида X-XI асрларда қувурлар системаси бўлганига бир ишботидир. Бизнингча, анча баландда жойлашган арк ҳам шу йўллар билан сув билан таъминланган.


3. Рабод. Аввалом бор, Қува рабоди ҳам ҳамма жойларда бўлгани каби шаҳристон ташқарисида жойлашган. Рабод шаҳар ташқарисидаги жой маъносини ҳам беради. Москвадаги «Арбат» ҳам шаҳар ташқарисида бўлгани учун рабодни арбат деб бузиб ишлатишган. Айрим маълумотларга кўра рабодлар араблар истилосидан сўнг пайдо бўлган дейилади. Археологик маълумотлар рабодлар ундан ҳам илгари мавжуд бўлганини ишботламоқда. Чунончи, Тошкент вилоятидаги Канка ёдгорлигидаги рабод араблар келишидан анча илгари қурилган. Қува рабоди шаҳристонни шарқ, ғарб, жануб томондан ўраб олган ҳудудни эгаллаган. Майдони тахминан 150-200 гектарга борган. Рабод ҳам мудофаа девори билан ўраб олинган. X асрда яшаб ўтган араб жуғрофи ал-Истаҳрийнинг «Китоб масалик ал-мамалик» китобида эътироф этишича бозор, амирлар саройи, қамоқхона Қува рабодида жойлашган. Рабодда бўстонлар, мевазор боғлар бўлган. Демак, X асрдан эътиборан шаҳар ҳаёти асосан рабодга кўчган. Минг афсуслар бўлсинки, Қува рабоди кейинги юз йилликларда бутунлай бузиб юборилган. Унинг ягона парчаси ҳозирда шаҳристоннинг шимоли-ғарбий бурчаги яқинида сақланиб қолган. Яна рабод ўрнидаги маданий қатламлар Андижон-Фарғона автомобиль йўлининг ҳозирги беш қаватли уйлар атрофида. Тошкент маҳалласи ўрнида хўжалик ишлари пайтида топилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки биздан олдин текшириш ўтказган археологлар рабоддаги ҳунармандлар даҳа (квартал)ларини қайд этганлар. Ғарбий ва шарқий томонда кулоллар, жанубий тарафда симоб кўзачалар ишлаб чиқарувчи устахоналар бўлган. Уларнинг бозорбоп маҳсулотларига нафақат Фарғона водийсида, балким ундан олис жойларда ҳам талаб катта бўлган. Хусусан, ўрта асрлардаги сирлаб, жимжимадор қилиб тайёрланган Қува идиш-товоқлари, нафис ва гўзал шиша идишлари кўлмақ бўлиб юрган (5, 6, 7 - расмлар). Айримлари ҳатто санъат асарлари даражасига кўтарилган. Ўрта аср одатларига кўра му-



5-расм
Сирланган сополдаги тасвир



6 - расм
Шиша идиш намуналари



7-расм
Ош капгир. XI аср

ҳим ва чиройли буюмларга усталар ўз номларини қолдирганлар.

Қува рабоди ҳақида фикримизни мухтасар қилар эканмиз, у ҳақда бир фикрни таъкид этиш жоиз деб биламиз. Одатда рабодлар шаҳристондан сўнг бунёд этилади. Яъни шаҳристон одамлар учун торлик қилиб қолиб ундан ташқарига чиқа бошлайдилар. Қувада рабод милодий VII-VIII асрларидан фаолият кўрсата бошлайди. Чунки шаҳристон ташқарисидаги худудда будда ибодатхонаси ва унинг яқинида уй-жой қолдиқлари айнан шу даврдан эътиборан рабодда ҳаёт қайнай бошлайди. Айниқса, IX-X асрларда шаҳардаги асосий ҳаёт рабодга кўчади.

Шаҳар мудофаа деворлари, дарвозалар. Мудофаа деворлари ва улардаги дарвозалар мураккаб қурилиш иншооти бўлиб, уларнинг сақланиб қолганлари ҳозиргача юксак мёморий намуна сифатида қадрланиб келинмоқда. Деворлар билан қишлоқлар, шаҳарлар, воҳалар,

айрим водийлар, ҳатто давлатлар ўраб олинган. Мудофаа иншоотлари ичида энг маҳобатлиси ва мукаммали бу - Буюк Хитой деворидир (узунлиги 4000-5000 км, калинлиги 5,5-6,5 метр, баландлиги 6,6-10 метр).

Албатта, бу ҳимояланиш воситалари ичида шаҳар деворлари инсоният тарихида чуқур из қолдирган ва улар кўплаб учрайди. Шаҳар деворлари биринчидан, давлат ёки хукмдорнинг куч-қудратини кўрсатса, иккинчидан шаҳар мақоми белгиларидан биридир. Одатда, шаҳар деворлари бир неча ҳимоя чизиқларидан ва деворлар тизимидан иборат бўлган. Қадим ва ўрта асрлардаги шарқ шаҳарлари икки, уч қатор деворлар билан ҳимояланган. Баъзи ҳолларда эса ҳар бир мудофаа девори олд томонида сув тўлдирилган чуқур ҳандақ ҳам олинган. Деворлар кузатув миноралари (буржлар) ва улардаги шинак (ўқ отадиган туйнук)лар билан таъминланганлар Қадим ва ўрта асрларда нафақат Фарғона водийси, балки Марказий Осиёда ҳам йирик шаҳарлардан бири бўлган Қува мудофаа иншоотлари ҳам ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Шунинг таъкидлаш керакки, Қува шаҳри 3 қатор девор билан ўралган: биринчи мудофаа чизиғи рабодни, иккинчиси шаҳристонни, ниҳоят учинчиси аркни ўраб олган. Рабод деворлари тўғрисида бирор нарса дейиш қийин, чунки у бузилиб кетган.

Археологларда шаҳристон деворлари ҳақида анча маълумотлар тўпланган. Деворлар, айниқса, шимолий ва жанубий томонларда яхши сақланган ва ўрганилган. Шаҳристон деворларини ҳозиргача сақланиб қолган қалинлиги 12-15 метрга, баландлиги 6-8 метрга боради. Бундай деворни кўз олдимиизга келтирсак унинг нақадар улканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Лекин бу қалинлик ва баландликдаги девор бир вақтда кўтарилмаган ва ундан бир даврда фойдаланилмаган. Бошқача айтганда, дастлаб энг кўҳна девор тикланган, маълум вақт ўтиб емирилгач, иккинчиси биринчи девор ёнига тиркаб қурилган. Шу тариқа бир неча асрлик вақт давомида қатма-қат қалин деворлар пайдо бўлган.

Дастлабки тикланган энг қадимги деворнинг кенлиги ва баландлиги унчалик улуғвор бўлмаган. Бизнингча, бу девор Қубо асосланаётган даврда бунёд этилган бўлиши керак.

V-VI асрларга таалуқли девор ҳозирги тўртбурчак шаклдаги шаҳристонни тўла ўраб олган. Қалинлиги 5-6 метр, баландлиги 5 метрдан ортади. Бизнингча, Қубонинг ушбу девори маълум тўс-


тўполон хавфи билан тикланган. Бу жангари эфталийлар билан боғлиқ бўлиши керак. Айнан V аср 50-йилларида эфталийлар иттифоқи жуда кучайиб кетади, ҳатто ўша даврдаги Хитой ҳам улар билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлади. 480 йили эфталийлар Сўғдни, сўнгра Шарқий Туркистонни босиб оладилар. Шулардан келиб чиқиб Фарғона ҳам қай бир маънода эфталийларга бўйсунган бўлиши керак. Бундай нотинч вақт ўтгандан сўнг деворлар озгина таъмир этилган ва бир оз кучайтирилган. Унинг қалинлиги бир метрга ҳам бормайди. Мукамал девор қилишга эҳтимол куболикларда эҳтиёж йўқ эди. Чунки урушқоқ эфталийларга қарши турклар сосоний подшо Хусрав I билан иттифоқ тузган эдилар ва тез орада эфталийларга қақшатқич зарба берилади, шу тариқа яна бир ғаним ҳавфи даф бўлади.

Ниҳоят, VIII аср охири VIII аср бошларида Кубодаги энг кучли ва чиройли девор тикланади. Унинг қалинлиги 5 метрдан ортади, у паҳса ва хом ғиштдан тикланган. Бу девор ҳам ўз-ўзидан бунёд этилмаган. Сабаб, араблар аста-секин Фарғона томон яқинлашмоқда эдилар. Арабларнинг қудратли қўшинлари дунёнинг катта қисмини забт этиб келмоқда эди. Фарғонага катта хавф яқинлашарди... Албатта бундан хабар топган куболиклар энг кучли девор бунёд этадилар. Бу девордан узоқ вақт фойдаланилган. Яъни бир неча марта майда таъмир қилиниб IX аср бошларида ҳам ишлатилган.

Кубодаги сўнги девор XI-XII асрларгача қурилган. У ҳам паҳса ва ғиштдан тикланган. XIII аср бошларигача, яъни шаҳар инқирозигача ишлатилган. Шаҳристон мудофаа деворлари ҳақида гап кетганда девордаги бурж (кузатув минора)ларга тўхталиб ўтиш зарур. Қува тадқиқотчиси В.А.Булатова ёдгорлик шимол томонидаги 2 та бурж ҳақида эслатиб ўтади, холос. Яъни улар тўртбурчакли бўлгани, остки қисми паҳсадан, юқори қисми ғиштдан тикланган ва биринчи қаватда пинаклар бўлганини таъкидлайди. Ёдгорликнинг бошқа жойида буржлар бўлганми ёки йўқми бирор нарса демайди. Чунки жанубий деворнинг тахминан 70-80 метрлар масофада ўрта асрларда қурилган кузатув миноралари бўлганини кўрсатмоқда. Улар қолдиқларидан ҳозирча 2 таси аниқланди. Кузатув миноралари сўнги пайтларда бузиб юборилган ва сақланиб қолганларининг узунлиги 13-14 метр. Улар бизнингча, бир оз кейин - яъни X-XI асрларда деворга тиркаб қурилган бўлиши керак. Лекин миноралардаги камон отиш учун мўлжал-

ланган шинаклар ҳақида бирор маълумотга эга эмасмиз.

Шундай қилиб шаҳристон ва арк кучли мудофаа девори билан ўраб олинган эди. Ҳарбий тактика нуқтаи назардан деворлар жуда мустаҳкам эди. Душманни шаҳарга киритмаслик учун асосан девор устидан туриб ҳимоя қилинган эди. Бунинг учун деворлар қалинлиги, айниқса ўрта асрларда, етарли эди. Бунга қўшимча қилиб эса эслаб ўтилган кузатув минораларини (буржларни) ҳам айтиш керак. Шаҳристон ҳимоя чизигида яна бир тўсиқ ҳам бўлган. Бу унинг



8-расм
Ўрта асрлар Қубо дарвозаси кўриниши

атрофини сув билан тўлдирилган ҳандақлар ўраб олганидир. Ҳандақлар қолдиги шаҳристон жанубий девори олд томонидан 1998 йилги қазишма пайтида қайд этилди. Демак, ғаним шаҳристон девори яқинлашиб ҳужум қилиши амри маҳол эди.

Умуман, шаҳристон деворларининг умумий узунлиги 1330 метрга боради. Бу деворни тиклаш ёки таъмирини амалга ошириш учун жуда катта куч ва маблағ керак эди. Бизнингча, Қубо деворларини тиклашда нафақат шаҳарликлар, балки яқин-атрофдаги қишлоқ аҳолиси ҳам қатнашган бўлиши керак. Чунки уларга хавф туғилган пайтда Қубо панагоҳ эди.

Шаҳристонга кириш дарвозаси унинг жануби-ғарбий бурчак қисмида бўлган дейилади. Аммо унинг қолдиқлари ковлаб очилмаган ва стратегик томондан унинг унчалик кучли бўлмаган ғарбий девор яқинида бўлиши бир оз ноқулайдир.

Қубодаги 1998 йилги ишлар жараёнида Фарғона водийсида биринчи марта шаҳар дарвозаси қазиб ўрганилди (8 - расм). Шаҳристон дарвозаси ноёб ва жуда яхши сақлангани билан ажралиб туради. Бу

топилманинг яна бир муҳим томони шу вақтгача ўрта аср ёзма манбаларида Кубо ҳақида маълумотлар бўлса-да унинг дарвозалари ҳақида бирон бир хабар учрамайди. Бу жиҳатдан ҳам бу топилма жуда муҳим аҳамият касб этади. Шаҳарга кириш жойи - дарвозахона унинг жануби-шарқий бурчагида аниқланди. Дарвозахона мудофаа деворининг ушбу қисмига олдинга чиқарилиб алоҳида тизим сифатида қурилган. Бу ердан топилган танга-чақалар, сополлар ва қурилиш хусусиятларига кўра дарвозахона XI-XII асрларда фаолият кўрсатган, XII аср бошларида нимагадир дарвозахона ўзгартирилиб темирчилик билан боғлиқ устахоналар унга тиркаб қурилган. Сақланиб қолган дарвоза ўрнига келсак, унинг эни дастлабки вақтларда 4,50 м, бир оз вақт ўтгач, дарвоза 2,20 метр қилиб кичрайтирилган, эҳтимол бошқа жойдан яна дарвоза очилгани учун шундай қилингандир. Сақланган дарвоза баландлиги 1,5 метрдан ортади. Дарвозахона эшигини икки ён ва пастки (тагдари) кесақилари ўрни сақланиб қолган. Ундаги ёғочлар сақланган ўринлари диаметри 20-30 см га боради. Улар қалинлигига қараб айтиш мумкин, эшиклар катта ва икки табақали бўлган. Остонага ҳар икки тарафдан катта тошлар терилиб йўлак қилинган эди. Агар Қўқон араванинг кенглигини ҳисобга олсак, Қубо дарвозасидан аравалар бемалол ўтган. Дарвозадан шаҳар ичкарасига йўл ҳозирча қовлаб очилгани йўқ. Дарвозахонага туташ жойни юқоридан тузилишига эътибор берсак, шаҳарга кириш йўлидан 100-150 метрлар шимолроқда текис майдонни илғаш мумкин. Бу майдон ва унга туташ жойдаги қурилишлар ҳақида ҳозирча бирор нарса дейиш қийин, чунки бу жойлар ҳали қазиб очилгани йўқ. Фақатгина дарвозахона ғарбий томонидаги темирчилик ва темир эритиш билан боғлиқ топилмалар (темир рудаси ва темир буюмлар) бу жойда темирчилик расталари бўлган дейишга асос бўлади. Бу тарихий ҳақиқатга ҳам зид келмайди. Унга кўра шаҳарларнинг чиқиш қисмларида темирчилик, қулоччилик устахоналари ва улар товарлари сотиладиган дўконлар бўлган. Бу шаҳарга савдо-сотикқа келганларга қулайлик яратиш мақсадида қилингандир. Яъни шаҳарга келган бозорчи оғир темир буюмларни чиқаверишда сотиб олар эди. Яна бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, дарвоза ишлатилган вақтнинг сўнгги даврида унинг яқинида отни тақалайдиган устахона ҳам бўлган. Буни шу жойдан топилган бир неча тақалар ва унинг миxlари далолатлайди. Дарвозахона ва унга яқин жойлар юқоридан туриб ҳимоя қилинганини камон ўқлари, қилич ва зўғатаси каттароқ найза гувоҳлик бермоқда. Булар дарвозахона кучли қўриқланганини кўрсатади. Албатта, дарвозадан шаҳар ичкараси-

га кетган йўл марказий шаҳар мажмуасини ўрганиш аҳамияти муҳимдир.

Қубо тарихий дарвозаси археологлар томонидан ковлаб очирилиши тарих фани учун жуда қимматлидир. Чунки яхши сақланган дарвозахоналар археология фанида камдан-кам учрайди. Тўғри, биздан олдинги археологлар И.Аҳроров ва В.Булатовалар шаҳар дарвозаси шаҳристон жануби-ғарбий бурчагида, арки аълога кириш шаҳристонни шимоли-шарқ томонида бўлган деб тахмин қилган эдилар. Аркдаги дарвоза ҳақидаги фикр ҳақиқатга яқин. Шубҳасиз, шаҳристонда бошқа дарвозалар ҳам бўлган, улар ҳақида бирор маълумот йўқ. Археологларнинг 1998 йилги Қубода ўрганган тарихий дарвоза ўлчамлари ва салобати билан марказлардан бири бўлгани шубҳасиз. Албатта, Қубо дарвозахонасига бунчалик диққат қилингани бежиз эмасди. Умуман, шаҳар дарвозаларига қанчалик эътибор берилганлигини тарихий манбалардан бизга маълум. Уларга кўра Тошкентда 12 та, Бухорода 11 та дарвоза бўлган. Аммо, шаҳар дарвозалари ҳақида ёзма манбаларда уларни қурилиши сир-асрорлари, хусусиятлари ҳақида деярли маълумотлар йўқ ҳисобида. Ўрта аср манбаларидаги маълумотларда фақатгина шаҳар дарвозалари жойлашган томон ва уларнинг номларини эслатиб ўтадилар. Жумладан, машҳур Афросиёбда тўртта дарвоза бўлиб улар Бухоро, Кеш, Хитой ва Навбаҳор дарвозалари деб номланганлар. Улардан Бухоро дарвозаси қисман сақланган бўлиб уни археологлар ўрганиб чиққанлар. Яна ўрта аср ёзма манбаларида Фарғона водийсидаги шаҳар дарвозалари тўғрисида кам бўлса-да маълумотлар учрайди. Хусусан, уларга кўра Ўшда учта, Ўзганда тўртта, Ахсикетда бешта дарвоза бўлган. Улар жойлашган ўрни хусусиятлари ҳисобга олиниб ўз номларига эга бўлганлар. Ўшда - Тоғ, Дарё ва Оташпараастлар дарвозалари, Ахсикетда эса фақат тўртта дарвоза Мердқуший, Косон, Масжид ва Рихан номи сақланган. Аммо ҳали уларнинг бирортаси аниқланиб археологик жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Яна Қубо тарихий дарвозасига қайтсак, уни ўрганиш билан боғлиқ яна бир фикрни айтиб ўтиш керак. Қазиб ўрганилган дарвозадан тарихий жиҳатдан олдинги даврга тўғри келадиган дарвоза ҳам айнан шу ерда бўлиши керак. Сабаб, VIII-IX аср маданий қатламлари қуйироқда анча қалинликда бўлиб ва шу давр мудофаа деворлари ҳам аниқланган.

Хуллас, Қубо ўрта асрлар дарвозасининг топилиши Ўзбеки-

стонда қолаверса, Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданиятининг ўрта асрларда, юксак чўққиларга кўтарилганидан далолат беради. Бу ўзбек халқининг моддий маданият тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Қува неча ёшда? Оламга танилган мазкур шаҳар ёши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Одатда шаҳарларда энг қадимги худуди кўпроқ арк қисмда учрайди. Ҳақиқатан, археологлар аркларда нисбатан қадимги қатламларни аниқлаганлар. Бундан Қува арки ҳам истисно эмас. Арк қурилган вақт яқингача милоддан аввалги II-I асрлар деб ҳисобланарди. Лекин кейинги изланишлар шаҳар ёши бундан қадимийроқ эканини кўрсатмоқда. Жумладан, шаҳристон жанубий девори остидан милоддан аввалги V-IV асрларга таллуқли археологик ашёвий далиллар топилди. Жумладан, бир неча сопол идиш ва жездан ясалган иккита камон ўқи-дир. Улар ясалип, шаклига кўра, Евроосиё сарҳадларида милоддан аввалги VI-IV асрларга оид. Шунга кўра, Қува топилмалари ҳам шу вақт билан белгиланади. Сопол идишларга келсак, улар шу пайтгача Қувада учрамаган, лекин кўшни ҳудудларда кўплаб топилган бўлиб, милоддан аввалги V аср билан аниқланади. Яна Қувадаги сопол идишлар орасида кулолчилик чархида ясалган сирти оқиш идиш ҳам топилди. Бу идиш вақти ҳам биз айтган саналарга мос келади. Демак, Қува шаҳристони жануби-шарқий бурчаги ва жанубий мудофаа девори остидан топилган ашёлар камида 2500 йил билан белгиланади. Ҳозирча, энг қадимги қатламлар шаҳристоннинг икки жойида аниқланди. Агар фанда шаҳарлардаги арк жойлашган майдон энг кўҳна қисм ҳисобланиши инобатга олинса, шаҳар ёши бундан кам бўлмаслигини дадил айтиш мумкин. Қолаверса, арк қуйи қатламлари охиригача очилгани йўқ, ер ости сувлари кўтарилгани ишни давом эттиришга ҳалал бермоқда. Шубҳасиз, аркдан янада кўҳна топилмалар чиқиши керак. Бундай дейишимизга сабаб, 3000-2700 йиллик қадимги деҳқончилигимиз илдизлари Қува воҳасида топиб ўрганилган. Буларга Қувадан ғарбда жойлашган Акбаробод деган жойда ва Толмозор адирларидаги археологик ёдгорликларни мисол тарзида келтириш мумкин. Қува эса воҳанинг энг катта шаҳри эди ва у жанубий Фарғонанинг маркази вазифасини бажарган. Демак, Қува Фарғона водийсидаги энг кўҳна шаҳарлардан биридир. Мавжуд археологик маълумотларга кўра, бу шаҳарга 2500 йил муқаддам асос солинган бўлса керак.

Қува шаҳри ва унинг Ўрта Осиё маданий - иқтисодий ҳаётида тутган ўрни. Қува шаҳри Марказий Осиё тарихи учун нималар берди? Асосийси, Қува ўзига хос йирик иқтисодий, савдо-

сотик шаҳри эди. Шу билан бирга тарихий Қубо маданий марказлардан биридир. Бу карвон йўллари туташган чорраҳадаги шаҳар эди. Аввалом бор, Қубода дунёдаги йирик динлар - оташпарастлик, будда ва мусулмонлик кабилар иддиз отган эди.

Тарихий жиҳатдан улар турли даврларга тўғри келса-да, улар ҳақида археологларда аниқ маълумотлар тўпланган.

Қува шаҳар аҳолиси айнан VII-VIII асрларда оташпарастлик динига сиғинган бўлишлари керак. Чунки, ушбу дин билан боғлиқ ашъвий далил - 2 та астадон, 5 та хумга солинган жасад қолдиқлари аниқланган. Демак, бир қисм аҳоли оташпараст бўлган. Баъзи тадқиқотчилар Қувада монийхонлик дини ҳам бўлган, деган даъво билан чиқадилар. Бу ҳозирча тахмин, ҳали бу дин билан боғлиқ бирорта археологик топилма ёки ёзма манбалар бизларда йўқ.

Яна бир дин - буддавийликка оид асори атиқалар ҳам айнан Қубода қайд этилган. У арк шимолидаги рабод қисмидан ковлаб очилган. Нима учун шаҳристонда эмас, айнан рабодда? Чунки юқорида бизлар қайд этганимиздек, Қубо V-VII асрларида анча тараққий этади ва кучли мудофаа деворлари ҳимоясига олинади. Бу жараён VII-VIII асрларда ҳам давом этади. Бу ривожланиш шундай даражага етадики, энди аҳоли учун шаҳристон торлик қилиб қолади. Асосий ҳаёт рабодга кўчади. Унинг каттагина яшаш жойи ва будда ибодатхонаси шаҳристон ташқарисида жойлашади. Яшаш жойидан 80 дан ортиқ хона, бешта кўча ва улар билан боғлиқ марказий майдон қазиб ўрганилган. Уй-жойлар даҳа (квартал)ларга бўлинган экан. Ҳар даҳада турар-жой ва ҳунармандчилик бинолари жойлашган. Энг йирик даҳада 14 та уй, майдорқларида 4 тадан уй қазиб ўрганилган. Қазиб очилган кўчалар анча тор экан, пиёда ёки отлик одам юриши мумкин, аммо арава бу кўчаларга сиғмаган.

Мана шу турар жой бинолари шимолида VII-VIII асрларда фойдаланилган будда ибодатхонаси ковлаб очилди. Бу ибодатхона ўзининг меъморий ёчими билан Шарқий Туркистон ёки Марказий Осиёнинг турли жойларидаги бошқа ана шундай иншоотлардан фарқ қиладди. Унда будда ибодатхоналарига хос бўлган, диний маросим ўтказишда фойдаланилган кўпгина меъморий белгилар учрамайди. Қурилишда кўпроқ маҳаллий шарт-шароит ва мавжуд қурилиш анъанасидан қўлланилган кўринади. Лекин ушбуларга қарамай бу иншоот будда ибодатхонаси бўлган деган фикрни таъкидламоқ керак. Чунки ибодатхонадан топилган будда дини илоҳилари (худолари)

билан боғлиқ сиймоларни ҳайкаллари ва тасвирлари шундан далолат беради. Бунга икки одам бўйи билан баробар ҳайбатли будда ҳайкалини ва будда динидаги Шри-дэви, Манҷушри илоҳлари сиймолари ҳайкаллари киради. Ҳайкалларни юз тузилиши ёки бошқа белгиларида Марказий Осиё будда ёдгорликларида ана шундай топилмалар билан умумий ўхшашлик бор. Лекин Қувадаги будда образларини сиймоларида озгина бўлса-да туркийлашган тип тасвири беришга ҳаракат қилинган. Бу Қува ибодатхонасига хос бўлган нарсасидир. Ибодатхона араб истилоси даврида вайрон қилинган бўлиши керак. Чунки худди шу вақтга оид қатламларда кучли ёнгин излари аниқланган. Бу ибодатхона Фарғона водийси учун ноёб топилмадир. Сабаби, ҳозирга қадар водийда бундай ибодатхона аниқлангани йўқ. У Марказий Осиёдаги машҳур Оқ Бешим, Қоратепа, Ажинатепа каби будда ёдгорликлари қаторига киради. Тўғри, Фарғона вилоятида Н.Г.Горбунова ва Т.Г.Оболдуевалар Каркидон сув омбори қурилиши вақтида будда ибодатхонаси ступами топилганини эшитадилар. Аммо, Каркидонда на ибодатхона қолдиқлари, на бирор ҳайкал топилди. Шунга қарамай иморат қурилиши режасида жуда ҳам будда саждагоҳлари ўхшаш томонлари кўп. Балки бу саждагоҳларини ўзига хос Фарғонача шаклидир.

Қува будда топилмалари Ҳиндистон, Шарқий Туркистонда аниқланган материалларга айнан ўхшашлиги, ўрта асрларда маданий - иқтисодий алоқаларни янада ривожланганини, маданият ва санъатни юксалганини кўрсатади. Қолаверса Қува Қашқар-Фарғона халқаро савдо йўли бўйидаги йирик шаҳар эди. Бу шаҳарда ғарбдан, шарқдан ва жанубдан келаётган савдо қарвонлари кўним



*9-расм
VII-VIII асрларга таалуқли сополга
тирнаб битилган кўҳна турк ёзуви*

топганлар. Балки, бир томондан Қува ибодатхонаси худди шу йўловчи диндорларга мўлжаллаб қурилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ислом дини қабул қилингандек сўнг ҳам Қува катта шаҳар сифатида дин ва маданият маркази бўлиб қолаверган. Қувадан уни нисбини олган улуғ инсонлар, буюк

мутафаккирлар етишиб, бутун Шарқ мамлакатида шуҳрат қозонадилар. Буларга Абу Наср Аҳмад ал-Қубовий, Рўкниддин Қубоий, Шамс Муҳаммад бин Муҳаммад ал-Қубовий кабиларни келтириб ўтиш мумкин. Абу Наср ал-Қубовий 1128 йили Наршахийнинг «Бу-хоро тарихи» асарини арабчадан форсчага ўгирган эди.

Қубони дунёга танилишида унда топилаётган ёзув намуналари аҳамияти ҳам беқиёсдир. Ҳозиргача шахристондан бир неча турк-руник ва араб ёзуви намуналари аниқланган. Улар баъзилар идиш сиртига тирнаб, бошқалар қора бўёқ билан ёзганлар. Улар барчаси танга пуллардаги ёзувлар билан кўҳна ёзув тарихини ўрганишда беқиёсдир (9-расм).

Қуванинг яна бир салоҳияти бу қадимдан ҳунармандчилик маркази бўлиши эди. Айниқса, темирчилик ва ойна ишлаб чиқариш бўйича Қува маркази Марказий Осиёда ажралиб турар эди. Ойна ишлаб чиқаришда Қува усталари олдига тушадиганлари ўрта асрларда деярли бўлмаган.

Қувада ўтказилган археологик қазилмалар натижасида кўплаб нодир ва нафис шиша буюмлар йиғими қўлга киритилди. Бу шиша буюмлар ранги, шакли жиҳатидан хилма-хилдир. Улар ниҳоятда юпқа ишланган қадаҳ, атир сепкич, мушк-анбар тараткич, қон босимини туширгич-аламбаика, графин, атир-упа идишлари, тиббиёт колбаларидир. Булар ичида атир сепкич жуда ноёб бўлиб, улардан бизга маълумлари Қозоғистон, Ахсикент ва Москвадаги Шарқ халқлари тарихи музейида сақланади. Бу идиш нимага атир сепкич бўлиб хизмат қилган? Гап шундаки, ота-боболаримиз юксак маданиятли бўлиб, ҳозирги француз атир-упаларидан қолишмайдиган хушбуй суюқликлар ишлаб чиқаришган ва идишга солиб меҳмонхонага қўйиб қўйганлар. Ёки бўлмаса Қува шиша буюмлари ичида аламбика деб аталувчи, беморнинг қон босимини туширадиган тиббий асбобни олайлик. Унинг ишлаш усули, фойдаланишди қулайлиги билан ҳозир ҳам тиббиёт ходимларини ҳайратга солса, ажаб эмас. Чунки қон босимини тушириш учун қон олишда у оддий бўлиб, қанча қон олинаётганлигини бемор ҳам, табиб ҳам кўриб турган. Қубо усталари ишлаган шиша буюмлар шакли, безалиши, ранго-ранглиги ва нафислиги билан ҳали ҳануз одамларни ҳайратда қолдиради. Усталар нафақат маиший соҳалар учун, балки қурилиш ойналари ҳам ишлаб чиқаришган. Улар ясаган ойналар, деразалар, тўйнуқларга қўйилган бўлиб, қора ранглилари ҳам учрайди. Ўрта Осиёнинг ёз иқлими шароитида қорайтирилган ойналарга бўлган эҳтиёж ниҳоятда юқори-

лиги маълум. Ҳозирда чет эллардан келтирилаётган қорамтир дераза ойналари Ўзбекистонда бундан роппа-роса минг йил олдин ҳам ишланганлигини курувчилар билармиканлар?

Тангашунослар (нумизматлар) фикрича, Кувада топилган дастлабки танга-чақалар водийда энг қадимгиси ҳисобланади. Улар ўрта-сида тешик бўлиб, бир томонида қадимги туркларнинг «қоқон» унвони ва иккинчи томонидан ҳам титул (унвон) ёзилган бўлиши керак. Бу тангаларга қасрда зарб қилингани, хусусан Кубода чиқарилгани заб этилмаган бўлса-да улар Кубо тангалари деб тан олинади.

Кубо кейинги X-XI асрлардаги танга пуллари ҳақида маълумотлар талайгина. Тарих фанлари доктори Б.Д.Кочнев фикрича, Кува X-XI асрларда ўз зарбхонасига эга бўлган. Бундай мақомга водийда бармоқ билан санарли шаҳарларгина эга бўлишган (Ахсикет, Ўзган, Ўш, Хўжанд ва бошқалар). Кувадаги илк мис тангалар 366 ҳижрий (947-948 милодий) йили билан саналади. Бир томонида қуръони Каримдан бир оят, бошқа томонида Қуванинг X аср ўрталаридаги ҳокими Аҳмад ибн Али номи туширилган. Аммо илк Кубо мис тангалари бизгача жуда кам етиб келган. Маълумлари ҳам дунёнинг турли бурчақларига сочилиб кетган. Қорохонийлар даврида бир неча гуруҳ тангалар Кува (Кубо) да зарб этилганини ашъвий далил - тангалар исботлайди. 389 ҳижрий (999 милодий) йили, 391 (1000 - 1001), 416 (1025 - 1026), 444 (1052 - 1053) йиллари тангалар Кувадаги ҳокимлар номидан чиқарилиб, улар бемалол муомалада бўлганлар. Кувада танга чиқариш вақти 1056 - 1057 йилларда тўхтади. Шундан сўнг Кувада зарб этилган тангалар учрамайди. Демак, Фарғона сиёсий ҳаётида ўзгариш юз беради. Сиёсий саҳнага Кувага яқин Марғилон (Марғинон) чиқади. Бу шаҳарнинг X асргача водийда унчалик катта аҳамияти бўлмаган. Шу вақтдан эътиборан (X аср) то XIII асргача Марғилоннинг ўз тангаси зарб этилган ва анча ривожланган шаҳар бўлган эди. Демак, айрим сиёсий воқеалар Кува сусайишига ва унинг ҳисобига Жанубий Фарғонада Марғилонни X асрдан аста-секин ривожланишига олиб келди. Тангашунослар хулосасига кўра 442-448 ҳижрий ёки 1050 - 1057 милодий йиллари орасида Кувада камида 10 марта ҳокимият ўзгарган. Бу нарса Кува сиёсий тарихида бу йиллар тўс - тўполонларга бой бўлганини кўрсатади. Лекин шаҳарда ҳаёт юқорида айтганимиздек XIII аср бошларигача бир маромда давом этаверади. Ишоти сифатида шу йилги қазилма натижаларини келтириш мумкин. Бу далиллар рус шарқшуноси

В.В.Бартольднинг Кува Х асрдан сўнг ўз аҳамиятини йўқотган деган фикрини рад этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки Кува (Кубо) Фарғона водийси ва умуман Марказий осий тарихида 1500 йилга яқин сиёсий саҳнада турди. Бунинг бир ижтимоий - иқтисодий сабаблари бор эди. Кува ер ости ва усти бойликлари сероб бўлган георафик нуқтада жойлашганди. У ғарб ва шарқни бирлаштирган йўл бўйидаги шаҳар эди. Узоқ Сўғд (Бухоро, Самарқанд), Бақтрия - Тоҳаристон (Ўзбекистон жануби, Афғонистон шимол)дан келган савдо қарвонлари олис Хитойга йўл олишдан олдин Қувада қўним топардилар. Ортиқча товарлар сотилиб, кераклилари ғамлаб олинадиган савдо маркази эди. Яна шу билан бирга Қува деҳқонлар ва кўчманчи чорвадорлар манфаатини бирлаштирувчи ҳунармандлар шаҳри ҳам эди. Атрофдаги чорвадор ёки деҳқон ўз маҳсулотига шаҳардан керакли уй-рўзғор, қурол - аслаҳа буюмларига алмаштириб ёки сотиб олиб кетаверган. Қува ўрта асрларда асл ҳунармандлар, илм - фан, маданият арбоблари тўпланган зиёлилар шаҳри ҳам эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. История ат-Табари. Ташкент, 1987.
2. Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 6, 1994.
3. Абдуразақов А. Химические типы древних и средневековых стекол Средней Азии // ИМКУ. Вып. 18, 1983.
4. Ахраров И. Средневековые стеклянные бокалы из Кувы // Изв. АН Уз Р сер. общ. наук, № 4. Ташкент, 1960.
5. Ахраров И. Археологические раскопки в шахристане городища Кува // ИМКУ. Вып. 10, 1963.
6. Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра. М., 1963.
7. Беленицкий А.М., Бенгович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. М., 1973.
8. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. М.-Л., 1952.
9. Бичурин Н.Я. (Иоаким). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. Часть вторая. М.-Л., 1950.
10. Бобур З.М. Бобурнома. Тошкент, 1989.

11. Булатова В.А. Древняя Кува. Ташкент, 1972.
12. Горбунова Н.Г. В древней Фергане. Ташкент, 1971.
13. Гусейнзаде А. Об этимологии топонима Кува // Советская тюркология, № 2. 1971.
14. Давидович Е.А. Саманидские монеты Кубы // СА. № 2, 1960.
15. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. М.-Л., 1962.
16. Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии. Автореф. доктор. дисс. М., 1978.
17. Исламов У.И., Крахмаль К.А. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Ташкент, 1995.
18. Кадырова Т. Мавераннахр в первой половине VIII в. Душанбе, 1962.
19. Массон В.М. Процесс урбанизации в древней истории Средней Азии // Тезисы докладов сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований в 1972 г. Ташкент, 1973.
20. Матбабаев Б.Х. Могильник Мунчактепа в Северной Фергане (Узбекистан) // Российская археология, № 3. 1999.
21. Матбобоев Б.Х. Фаргона қадимий шаҳарларини жойлашган ўрни муаммолари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 9, 1995.
22. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973.
23. Смирнова О.И. О древнетюркских монетах Кувы (Ферганы) (Предварительное сообщение) // Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока: XII годичная научная сессия ЛОИВАН (краткое сообщение). Часть I., М. 1977.
24. Негматов Н.Н. Этапы развития урбанизации Средней Азии. Тезисы докладов конференции «Мерв в древней и средневековой истории Востока» Ашхабад, 1990.
25. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М., 1981.
26. Ширинов Т.Ш. Раннегородская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. доктор. дисс. М., 1993.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
А. АНОРБОЕВ.	
ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДА АХСИКЕНТ	5
У. ИСЛОМОВ.	
ФАРФОНАНИНГ ИБТИДОЙ ТАРИХИ	29
Б. МАТБОБОВ	
Қ А Д И М Г И Қ У В А (Қ У Б О)	44

**А. АНОРБОЕВ, У. ИСЛОМОВ,
Б. МАТБОБОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА
ҚАДИМГИ ФАРҒОНА**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган*

Муҳаррир: М. СОДИҚОВА
Техник муҳаррир: В. ДЕМЧЕНКО
Компьютер устаси: Л. СОБИРОВА

Босишга 12.11.2001 й. рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Босма тобоғи 2,125. Адади 1000 нуска. Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма № 228

**ЎзР «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент,
Я. Фуломов кўчаси, 70.**

**«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази
босмаҳонасида чоп этилди.**
Тошкент, 700113, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.